

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқукида

**ЖАХОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИГА ҚАРШИ ЧОРА-
ТАДБИРЛАР ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЭКСПОРТ-
ИМПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ СУЎУРТАЛАШ ҲИСОБИ ВА УНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**
(Суғурта компаниялари мисолида)

Битирув малакавий иши

Илмий раҳбар:

ТОШКЕНТ – 2012 й.

МУНДАРИЖА:

Кириш.....	4
1-боб. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чора-тадбирлар дастурини амалга оширишда экспорт-импорт операцияларини суғурталаш ҳисобини ташкил қилишнинг назарий асоалари.....	9
1.1. Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий муносабатларининг ривожланиш босқичлари.....	9
1.2. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланишига ҳукуматимиз томонидан яратилган имкониятлар.....	17
1.3. Иқтисодиётини эркинлашуви шароитида ташқи иқтисодий фаолиятининг ташкилий ва тартибга солиш асослари.....	27
1-БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА.....	38
2-боб. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чора-тадбирлар дастурини амалга оширишда экспорт-импорт операцияларини суғурталаш ҳисобини ташкил қилишга таъсир этувчи омиллар.....	40
2.1. Ташқи иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида экспортнинг аҳамияти ва таркибий тузилиш.....	40
2.2. Экспорт операциялари ҳисобини ташкил қилиниши.....	46
2.3. Импорт операциялари ҳисобини ташкил қилиниши.....	53
2-БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА.....	60
3-боб. Экспорт-импорт операцияларини суғурталаш ҳисобини ташкил этиш ва такомиллаштиришнинг асослари.....	62
3.1. Экспорт-импорт операцияларини суғурталашнинг аҳамияти ва шартлари.....	62
3.2. Ташқи иқтисодий фаолиятда юкларни суғурталашни такомиллаштиришнинг асосий шартлари.....	70
3.3. Экспорт-импорт операцияларини суғурталаш ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари ва такомиллаштириш йўналишлари.....	80
3-БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА.....	93
Хулоса ва таклифлар.....	95
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	97

Кириш

Мавзусининг долзарблиги. Иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларини биргина мисолда, яъни 2000-йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011-йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етганида яққол кўриш мумкин.

Саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори кўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ташкил этди. Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг локомотивига айланган машинасозлик ва автомобилсозлик (12,2 фоиз), кимё ва нефт-кимё саноати (9,4 фоиз), озиқ-овқат саноати (13,1 фоиз), қурилиш материаллари саноати (11,9 фоиз), фармацевтика ва мебелсозлик (18 фоиз) 2011-йилда жадал суръатлар билан ривожланди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2011-йилда 11,2 фоизга ўсди, 2000-йилга нисбатан эса бу кўрсаткич 4 баробардан зиёд ошди. Таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

2011-йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми 2010-йилга нисбатан қарийб 15,4 фоизга кўпайди ва 15 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этди. Бу 2000-йилга нисбатан 4,6 баробар зиёддир. Ташқи савдо айланмасининг ижобий салдоси 4 миллиард 500 миллион доллардан ошди. Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоизни ташкил этди, ҳолбуки, 2000-йилда бу кўрсаткич қарийб 46 фоизни ташкил этган эди.¹

Албатта, юқори технологияларга асосланган корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш, уларни ташқи ва ички омилларнинг салбий

1. Ислон Каримов. 2012-йил Ватанимиз таракқиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади . “Халқ сўзи” №14. 2012 йил 20 январь

таъсиридан ишончли ҳимоясини таъминлаш долзарб аҳамият касб этади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, корхоналарни турли даражадаги ва шаклдаги хавф-хатарлардан ҳимоя қилишнинг асосий воситаларидан бири суғурта ҳисобланади.

Юқорида қайд этилганларга яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, бозор муносабатлари шароитида тижорат асосида фаолият юритадиган ҳар қандай юридик шахснинг асосий мақсади фойда олишга қаратилган. Мунтазам юқори фойда олишга интилиш юқори даражадаги риск билан ҳам боғланганлигини унутмаслик зарур. Юридик шахслар тадбиркорлик фаолиятининг асосини ташкил этиб, улар ўз тасарруфларидаги молиявий, моддий ва бошқа ресурслардан имконият даражасида максимал фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Шунингдек, тадбиркорларнинг асосий эътибори экспорт – импорт операцияларини ривожлантиришга ҳам қаратилади.

Шуни таъкидлаш зарурки, ҳозирда экспорт – импорт операцияларини суғурта қилиш бўйича қатор муаммолар тўпланиб қолган. Жумладан, экспорт – импорт операцияларини баҳолаш тизими етарли даражада ривожланмаган, уларни суғурта қилишда қийматининг инфляция таъсирида ўзгариши ҳисобга олинмайди, экспорт – импорт операциялари суғуртаси бўйича суғурта ҳодисалари содир бўлганда етказилган зарарларни аниқлашнинг услубиёти етарли даражада эмас. Юқорида қайд этилганлар эса ушбу битирув малакавий иши мавзусининг долзарблигидан далолат беради.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Экспорт- импорт операцияларини суғурта қилиш ва унинг ҳисобини ташкил қилишнинг асосий йўналишлари кўплаб хорижлик жуладан, В.Палий, Н. Кондраков, О. Николаева, С. Бўчкова, В.Подольский, Г.Поляк, А.Савин, А. Шеремет, В.Суйц каби иқтисодчи олимларнинг ўқув услубий, илмий ишларида ўз ифодасини топган. Жумладан, Ўзбекистонлик олимлар А.Абдуллаев, С.В. Воҳидов, А.К. Ибрагимов, О.Бобожонов, О.М. Жуманов, Н. Жўраев, М.Тўлахўжаева, Ҳ.Р.Собиров, С.Қодирхонов, Б.Хасанов, Р.Холбеков, Б.Хошимов кабилар ҳам

Ўз илмий - тадқот ишларида суғурта ҳисобининг долзарб масалалари борасида қисман тўхталиб ўтганлар. Лекин, бугунги иқтисодий эркинлашув суғурта ҳисоби жумладан, экспорт – импорт операцияларини суғурталаш ҳисобини такомиллашуви заруриятини келтириб чиқармоқда.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари. Мазкур битирув малакавий ишининг мақсади, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чора-тадбирлар дастурини амалга оширишда экспорт-импорт операцияларини суғурталаш ҳисоби ва уни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилгандир.

Битирув малакавий си иши олдида қўйилган мақсадга эришиш учун ушбу ишда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш назарда тутилган:

- мамлакатимизнинг экспорт – импорт операцияларининг ривожланиш босқичлари ўрганиш;
- экспорт-импорт операцияларининг ҳисобининг такомиллаштириш заруриятини аниқлаш;
- экспорт – импорт операцияларининг асл моҳиятини очиб бериш;
- экспорт – импорт операциялари ҳисобининг бугунги ҳолатини ўрганиб чиқиш;
- экспорт – импорт операцияларини суғурталаш аҳамияти ва уни иқтисодиётга таъсирини ўрганиш;
- экспорт – импорт операцияларини суғурталаш ҳисобини ташкил қилиш ва такомиллаштиришдаги муаммоларни аниқлаш;
- экспорт – импорт операцияларининг суғурталаш ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг предмети. Битирув малакавий ишининг предмети бўлиб, экспорт – импорт операциялари ҳисоби жумладан, уларни суғурталаш ҳисоби ва ҳисоботидаги ўзига хос хусусиятлари асосида унинг муаммоларини ўрганиш ҳисобланади

Битирув малакавий ишининг объекти сифатида ДАСК “Кафолат” ОАЖ Бектемир тумани бўлимида ташкил қилинган бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари.

Битирув малакавий си иши ни ёзишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг иқтисодиёт соҳасидаги асарлари, иқтисодиётни ислоҳ қилиш, шу жумладан суғурта соҳаси бўйича қабул қилинган фармонлари, Вазирлар маҳкамасининг қонунчилик ҳужжатлари, Молия Вазирлигининг қарорлари ва йирик суғурта компанияларининг статистик маълумотлари, хорижлик ва мамлакатимиз олимларининг суғурта йўналиши бўйича эълон қилган илмий мақолалари ва монографиялари ҳамда ДАСК “Кафолат” ОАЖ Бектемир туман бўлими маълумотларидан кенг фойдаланилди.

Чунончи, рақамларни гуруҳлаш асосида маълумотларни қайта ишлашнинг статистик усули, тизимли баҳолаш, фикрларни мантиқий таҳлили ва маълумотларни таққослама таҳлил этиш, илмий кетма-кетликни таъминлаш услублари қўлланилди.

Тадқиқатнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- мамлакатимизнинг экспорт – импорт операцияларининг ривожланиш босқичлари ўрганиб чиқилди;
- экспорт-импорт операцияларининг ҳисобининг такомиллаштириш зарурияти аниқланди;
- экспорт – импорт операцияларининг асл моҳияти очиб берилди;
- экспорт – импорт операциялари ҳисобининг бугунги ҳолати ўрганиб чиқилди;
- экспорт – импорт операцияларини суғурталаш аҳамияти ва уни иқтисодиётга таъсири ўрганиб чиқилди;
- экспорт – импорт операцияларини суғурталаш ҳисобини ташкил қилиш ва такомиллаштиришдаги муаммолари аниқланди;

- экспорт – импорт операцияларининг суғурталаш ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Илмий изланишлар натижасида олинган илмий хулоса ва таклифлардан олий таълим муассасаларининг “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” таълим йўналишида “Молиявий ҳисоб”, “Бошқарув ҳисоби” ва “Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари” каби фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ушбу натижалар хўжалик юритувчи субъектлар жумладан, суғурта корхоналари бухгалтерия ҳисоби тизимини ва аудитни ташкил қилиш ҳамда такомиллаштиришда имконият яратади.


Ишнинг таркибий тузилиши – Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборатдир.

**1-боб. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чора-тадбирлар
дастурини амалга оширишда экспорт-импорт операцияларини
суғурталаш ҳисобини ташкил қилишнинг назарий асоалари**

**1.1. Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий
муносабатларининг ривожланиш босқичлари**

Ўзбекистоннинг ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган ўз бозор иқтисодиёти моделида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, республиканинг жаҳон хўжалик алоқаларига бирлашиш йўллариини белгилаш алоҳида аҳамиятга эга. Ўз моделида эса ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ривожланиши ва республика интеграцияси йўналишларининг жаҳон хўжалик алоқаларида мустаҳкамланиши асосий ўрин эгаллайди.

2011йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми 2010йилга нисбатан қарийб 15,4 фоизга кўпайди ва 15 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этди. Бу 2000йилга нисбатан 4,6 баробар зиёддир. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 4 миллиард 500 миллион доллардан ошди (1-расм).



1-расм. Ўзбекистонда ташқи савдонинг динамикаси, миллиард долл. ҳисобида

Ташқи савдо айланмаси таркибидаги бундай ижобий ўзгаришлар мустақиллик йилларида мазкур соҳага қаратилган эътибор, хусусан экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ҳар томонлама рағбатлантириш ҳамда импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган иқтисодий сиёсат натижалари ҳисобланади. “Ўзбекистон мустақилликкача бўлган даврдаги четга хомашё чиқарадиган ва тайёр маҳсулотлар, асосан истеъмол товарларини олиб кирадиган мамлакатдан бугунги кунда тобора қўшилган қиймати юқори бўлган тайёр маҳсулотларни экспорт қиладиган ва кўпроқ ишлаб чиқаришни техник ҳамда технологик модернизация қилиш учун мўлжалланган юқори технологиялар асосидаги ускуналарни импорт қиладиган мамлакатга айланиб бормоқда.

Экспортнинг товар таркибини диверсификация қилиш натижасида мамлакатимиз пахта яккаҳокимлиги оқибати бўлган пахта толаси экспортига қарамликдан халос бўлди. Унинг экспортдаги улуши камайиб, 1990 йилдаги 59,7 фоиздан 2010 йилда 11,3 фоизга тушди”. 2011 йилда экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоизни ташкил этди, ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич қарийб 46 фоизни ташкил этган эди.²

«Очиқ» турдаги иқтисодиётнинг шаклланиши шароитида ривожланган ташқи иқтисодий алоқалар тизимида бўлган ҳар бир давлатнинг халқаро меҳнат тақсимоотида ўз ўрнига, дунё хўжалик тизимида ўз «жавонига» эга бўлиши муҳимдир. Чунки, фақат ўз кучига ишониш даври ўтмишга кетмоқда. Бундай курс провард натижада миллий ва ижтимоий ривожланиш тормозига айланади, ресурсларни нораціонал ишлатадиган алоқалар бозор иқтисодиётига ўтиш ҳаракатини қийинлаштиради.

Ҳатто катта ҳудудга, кўп миллионли аҳолига, хилма-хил ресурсларга

² Президент И.Каримовнинг 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011-йилнинг асосий якуналари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: “O‘qituvchi” НМИУ, 2012. -272 бет.

эга бўлган мамлакатни бугунги кунда бошқа мамлакатлар билан доимий ва кенг иқтисодий алоқаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳам бундан мустасно эмас. 1991 йил августда давлат ўз суверенлигига эга бўлган пайтдан бошлаб, ўзи танлаган ташқи иқтисодиёт сиёсатини мустақил халқаро ҳуқуқий субъект сифатида олиб бормоқда. Бу сиёсатнинг асосий мақсади – Ўзбекистоннинг ҳақиқий очиқ иқтисодиётини ва жаҳон иқтисодиёти тизимини, унинг интеграциясини изчил рўёбга чиқаришдир.

Республиканинг халқаро ҳамкорликда ва жаҳон меҳнат тақсимоотида иштирок этиши унинг табиий-иқтисодий, транспорт, географик ва маданий-тарихий меросига хос бўлган имкониятларидан келиб чиқади.

Ўзбекистон улкан табиий ресурслар потенциалига эга бўлиб, биринчи навбатда, минерал хомашё ресурсларига, иқтисодий ишлаб чиқариш ва аҳоли потенциалига, геопотенциал ёндашиш жиҳатидан фақат Евроосиё қитъаси дегани эмас, тикланаётган Буюк Ипак йўлида ҳам муҳим стратегик ўрин эгаллайди.

Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимоотида иштирок этиш жараёнидаги аҳамиятини ҳам айнан шу позициялардан кўриб чиқиш зарур. Ўзбекистон олтин ишлаб чиқариш умумий ҳажми бўйича дунёда саккизинчи ва унинг аҳоли жон бошига белгиланган ишлаб чиқариши бўйича бешинчи ўринни эгаллайди; республикада олтини бор 30 та қазилма топилган бўлиб, ҳозирча ларнинг фақат ўнтаси ишга туширилган. Ўзбекистон олтинининг сифати жаҳон олий стандартларига тўлиқ жавоб беради, охириги 20 йил давомида рекламацияларга олмаган, сўнгги йилларда уч маротаба халқаро сифат мукофотларига эришди.

Мурунговдаги (Навоий вилояти) олтин конларини (олинаётган миқдори ва сифати жиҳатидан) жаҳоннинг энг катта олтин конлари Клондайка (АҚШ), Витватерсранд (ЖАР), Колар (Ҳиндистон) билан бир қаторга қуйиш мумкин. Юқори пробали қимматбаҳо металл бу ерда чорак асрдан бери қазиб

олинмоқда. Уни қазиб олиш арзон ва очик йўл билан олиб борилаяпти. Шундай қилиб, давлат суверенитети шароитида Республика ўз олтиниға ўзи хўжайин бўлиб, жаҳон олтин бозорида тенг ҳуқуқли ҳамкор бўлиши мумкин. Лекин охирги пайтда жаҳон бозорининг олтин билан ўта тўйинтирилиши тенденциялари рўёбга чиқиши муносабати билан қимматбаҳо металлнинг сифатиға бўлган талаб анча-мунча ошди.

Бундай шароитларда олтинға бўлган нарх-навони барқарор равишда ушлаб туриш мушкул, чунки, собик иттифоқ парчаланиб, унинг ўрниға янги мустақил давлатларнинг ташкил топиши Ғарб мамлакатлари ва Японияни жуда безовта қилиб қўйди. Бинобарин, улар дунёда энг катта олтин импортёри ва истеъмолчиси эдилар. Шунинг учун жаҳон бозорида Ўзбекистон олтинини сотишда ғоятда омилкорлик зарур.

Ўзбекистонда 370 кон ишлаб турибди. Улардан ҳар йили 200 млн. тонна турли минерал хомашёлар қазиб олинади, йилиға 80 минг тонна мис ишлаб чиқараётган Ўзбекистон улкан захираларға бой, унинг ҳудудида кўрғошин, рух, вольфрам, литий ва бошқа муҳим ва ноёб металлларнинг кўплаб катта-катта конлари мавжуд.

Республика ривожланган қудратли ёқилғи - энергетика базасиға эға. Табиий газ топилмалари тахминан 2 трилион куб, кўмир 2 млрд. тоннадан ортиқ, нефть 350 млн. тоннани ташкил қилади. Охирги икки йилда очилган янги нефть ва газ конлари нафақат ўз эҳтиёжларини қондиришға, балки энергия берувчиларнинг экспорти ҳақида ҳам фикр юритишға имкон беради.

Ўзбекистон нефть конларидаги қора олтинни қайта тайёрлаш тўғрисида «Эльфакитен» француз компанияси билан битим тузилган.

Ўзбекистон Марказий Осиё ва МДХда асосий пахта ишлаб чиқарувчидир, у жаҳонда тўртинчи ўринда туради. Бу ерда жаҳон ва МДХ давлатлари билан асосий ҳамкорлик йўналишларидан - Республикада пахтани чуқурроқ қайта ишлаб, ташқи бозорға тайёр қимматбаҳо маҳсулот сифатида чиқариш мўлжалланган.

Республикада ҳар йили 1,4 млн. тонна пахта толаси тайёрланади. Чунончи, МДХда умумий 2,75 млн. тонна, Хитойда 4,2 млн. тонна, АҚШда 3,4 млн. тонна пахта ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқариш ҳажмига кўра, Ўзбекистон жаҳон пахта бозорида тенг ҳуқуқли ҳамкор бўлиши мумкин. Лекин бизнинг пахтамик сифати чет эл пахтасининг сифатидан олдида анча паст. Унинг сифатини яхшилаш учун анча-мунча ишлар олиб бориш ва фурсат даркор. Қорақўл терилари ва ипак хомашёси хусусида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

Мева ва сабзавот етиштиришда собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон Республикаси асосий таъминловчи бўлган, ҳар йили ялпи мева-сабзавотнинг 60 фоизини етиштиришни ўз зиммасига олган эди. Эндиликда ҳам республикада ҳар йили 5 млн. тоннагача мева ва сабзавот етиштирилади, кўплари ноёб тамга эга. Ўзбекистон бу соҳада ҳамкорликка тайёр. Республиканинг бу тармоққа нисбатан асосий эътибор маҳсулотларни қайта ишлаш, сақлаш, жўнатиш; қадоқлаш корхоналарини барпо этишга қаратилгандир.

Ўзбекистон ўзида ва хорижда туризм саноати ривожлантирилиши учун ҳам кўпгина имкониятларга эга. Унинг ҳудудида дунё миқёсида танилган тарихий ва меъморчилик марказлари – Самарқанд, Бухоро, Хива жойлашган, 4000 дан ортиқ - маҳобатли меъморчилик обидалар бор, уларнинг кўплари ЮНЕСКО ҳимоясидадир.

Ўзбекистоннинг салоҳияти ва имкониятлари кафолатли бўлиб, бу жараёнда у бир томондан, бозор иқтисодини шакллантириш, бошқа томондан эса, собиқ иттифоқ ўрнида шаклланган янги иқтисодий макон интеграцияси, тенг ҳуқуқли ва ҳамкорлик билан халқаро меҳнат тақсимоотида ва жаҳон ҳўжалик алоқаларида баб-баравар иштирок этиши лозим.

Ўзбекистоннинг мустақил равишда халқаро бозорга чиқиш йўли жуда кўлай бўлмаса ҳам ривожланиш учун кўплаб заҳираларга эга эди.

Республикада ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришнинг шарт-шароитлари куйидагилардир:

- ер бойликлари, минерал хомашё ва ўсимликлар захиралари, шунингдек, ажойиб тупроқ-иқлим шароитлари, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳамда унинг маҳсулотларини қайта тайёрлайдиган саноат ишлаб чиқариш комплекси базасини яратиш учун имкониятларнинг ҳаддан ортиқлиги;

- миллий иқтисодиёт комплекси инфратузилмасининг юзага келиши, республикани жаҳон хўжалиги алоқаларига кенг миқёсда жалб эта оладиган йирик илмий потенциалнинг жамулжамлиги;

- экспорт потенциалининг юқори даражадалиги;

- тегишли кооперация ва ҳамкорликдаги сармоялар ёрдамида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотларни юқори даражада тайёрлай оладиган ишлаб чиқаришни қисқа вақт ичида яратиш потенциалининг мавжудлиги;

- нисбатан олганда (жаҳон миқёсида баҳолаганда) арзон ишчи кучига эга бўлиш мумкинлиги;

- хорижий капитал сармояси ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик ўрнатиш учун республикада барқарор сиёсий муҳитнинг яратилганлиги.

Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари билан халқаро савдо-иқтисодий муносабатлари тарихи ўрта асрлардан бошланади. Ғарб ва Шарқ ўртасидаги савдо, катта бозор учун кураш ва меҳнат ресурслари ҳамма вақт Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудига дахлдор бўлиб келган. Чунки, унинг географик жиҳатдан савдо-иқтисодий потенциали кўплаб мамлакатларни қизиқтирган.

Давлат мустақиллигига эришгунга қадар, Ўзбекистон асосан агро-техника хомашёси (пахта, ипак, қорақўл), машинасозлик ва асбобсозлик тармоқлари учун комплектлаш маҳсулотлари, олтин, уран ишлаб чиқарар

эди. Иккинчи жаҳон уруши даврида кўпгина заводлар Ўзбекистонга эвакуацияси қилиниши туфайли республикада кончилик, самолётсозлик, тракторсозлик, электротехника, кимё, тўқимачилик, оғир саноат тармоқлари пайдо бўлди. Бироқ, техник, технологик ва тариф стандартлари Ўзбекистондан ташқарида (асосан Россияда) ишлаб чиқариларди, республика саноатининг ривожланиши муайян даражада ташқи қарамликка боғлиқ эди.

1991 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон мустақил давлат бўлди. Унинг иқтисодий ва давлатчилик тараққиётининг биринчи босқичи (1991-1995й.) иқтисодни бошқарадиган ўз инфратузилмасини яратиш ва интенсив равишда жаҳон ҳамжамиятида савдо алоқаларини, хусусан, ягона иқтисодий сиёсатни ўтказиш ва шакллантириш; тараққиёт стратегиясини белгилаш; ички ва ташқи бозорларда умумдавлат манфаатларини таъминлаш; иқтисодий, фан-техникавий, савдо соҳаларини ривожлантиришга боғлиқ эди.

Маданий ва спорт соҳаларида ҳамкорлик ўрнатиш, туризмни ривожлантириш ва бошқа алоқаларни самарали йўлга қўйиш учун Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги барпо этилди. Ҳукуматнинг 1992 йил 26 мартда қабул қилинган қарорига кўра, Вазирлик давлат органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқаларини бошқариш, назорат қилиш, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш ишларини олиб боради.

Вазирлик Ўзбекистон Республикасини унинг ташқарисида намоёиш этади; барча ташқи иқтисодий масалалар бўйича давлат манфаатларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимларидан келиб чиқадиган мажбуриятларини мамлакат номидан ҳимоя қилади. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ўз фаолиятида халқаро ҳуқуқий нормаларга, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, бошқа давлатлар билан тузган битимларига ва норматив актларига амал қилади.

Ўз тараққиётидаги I-босқичнинг якуний даврида (1995 йилнинг охири) Ўзбекистон давлат бошқаруви, иқтисодиёт, ташқи савдо алоқалари ҳамда ишлаб чиқариш доирасида барқарорлиги билан кўзга ташланди. 1995 йилда

МДХ давлат орасида савдода ижобий сальдо олган икки давлатнинг бири бўлди.

Олтин казиб олиш, энергетика, қурилиш, тўқимачилик саноати ва нефть ишлаб чиқариш соҳаларида дастлабки саноат инвестицияларининг лойиҳалари тугалланди; ҳиссадорлик асосида, шу жумладан, хорижий капиталнинг қатнашуви билан аграр ҳамда саноат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш учун қонуний ва амалий шароитлар яратилди.

Иқтисодий ривожланишнинг иккинчи босқичи (1995-1998й) негизларидан бири - бозор иқтисодиётининг амалда мамлакатнинг ўз саноатига асосланиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариши, макроиқтисодий инвестициявий инфратузилмасини таъминлайдиган бир қатор институтлар барпо этишдир. Бу босқичда ташқи бозорни таъминлаш, бир томондан, ички бозор учун (импорт ўрнига) ва ташқи бозор учун (экспортга) рақобатбардош молларни ишлаб чиқариш бўлса, иккинчи томондан, Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоқларига кўплаб хорижий технологик сармоялар кириши билан чамбарчас боғлиқдир:

- авиация машинасозлиги ва автомобилсозлиги;
- қон қазилмалари ва кимё саноати;
- қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш ва қадокқлаш;
- қурилиш материаллари ишлаб чиқариш;
- тўқимачилик саноати;
- телекоммуникация ва алоқа;
- транспорт ва унинг хизмати.


Шунинг учун асосий эътибор Ўзбекистоннинг авиация ва темир йўл портларини комплекс равишда қайта қуриш сармояларига; энергетика, транспорт, алоқа ва машинасозлик соҳаларида йирик саноат комплексларини барпо этишга қаратилди. Ўзбекистон 3 млрд. АҚШ доллари билан баҳоланадиган юқори потенциалли минерал хомашё ресурсларига, саноат ва

кишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, меҳнат ресурслари ҳамда барча ишлаб чиқариш соҳаларидаги малакали кадрлар ва хизмат кўрсатиш доиралари миқёсида халқаро савдо-сотиқни унумли равишда янада ривожлантириш имкониятларига эга.

1.2. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланишига ҳукуматимиз томонидан яратилган имкониятлар

Иқтисодий ислохотларнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда мустақил солиқ сиёсати ишлаб чиқилди, унинг тактика ва стратегияси аниқланиб, изчил такомиллаштирилиб борилмоқда. Юртбошимиз томонидан миллий солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб берилдики, унинг асосий мақсади солиқ тўловчилар ва давлат бюджети манфатлари ўртасида ўзаро уйғунликни таъминлашга қаратилган. Бундай уйғунликни таъминлашнинг энг муҳим воситаларидан бири солиқ юкини оптимал белгилаш ва шу тариқа давлат бюджетини керакли миқдорда молиявий ресурслар билан таъминлаш билан бирга, солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ мажбуриятлари уларнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир этмаслигига эришишдан иборат. Кейинги йиллардаги солиқ сиёсатининг асосий йўналишларида солиқ юкини мунтазам камайтириб бориш тенденцияси кузатилмоқда, ушбу ҳолат 2011 йилда ҳам кузатилди ва иқтисодиётга ижобий таъсир этди.

ЯИМ га нисбатан солиқ юкининг ўзгариши динамикаси



2-расм. ЯИМга нисбатан солиқ юкининг ўзгариш динамикаси.

Расмдаги маълумотлардан кўринадики, солиқ юки даражаси Юртимизда изчиллик билан камайиб бормоқда. Агар ушбу кўрсаткич 2002 йилда ЯИМга нисбатан (мақсадли жамғармаларни ҳисобга олмаган ҳолда) 27,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб тўрт пунктга (23,2 фоиз), 2011 йилда эса 6 пунктга камайди ва ЯИМга нисбатан 21,9 фоизни ташкил этди.

Солиқ юкини иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда камайтириб бориш ўз самарасини берди. Миллий бозорни маҳаллий товарлар (хизмат, иш)лар билан тўлдираётган, экспортга маҳсулот чиқараётган, ички ва ташқи инвестицияларни ишлаб чиқаришга жалб қилаётган, шунингдек, кичик бизнес субъектлари шаклидаги солиқ тўловчиларга солиқ имтиёзларининг кенгайтирилишига қарамасдан, ялпи ички маҳсулот ва давлат бюджетининг даромадлар ҳажмида йил сайин ўсиш таъминланмоқда. Солиқ юкининг камайиши нафақат умумий ҳажмда, шунингдек, унинг таркиби бўйича ҳам сезиларли равишда кўзга ташланмоқда.



3-расм. Ўзбекистонда солиқ юкининг таркибий тузилиши (ЯИМга нисбатан фоизда).

Солиқ юки даражасининг солиқ турлари бўйича камайиш тенденциясини охирги ўн йил бўйича кўрадиган бўлсак, 2000 йилда бевосита солиқлар бўйича 7,8 фоиздан 2011 йилга келиб 5,8 фоизга, билвосита солиқларга нисбатан солиқ юки 16 фоиздан 10,6 фоизга, шунингдек, ресурс

солиқлари бўйича ҳам камайиб 4,7 фоиздан 3,9 фоизгача камайган. Республикамизда солиқ юкининг камайиши бу фақат айрим солиқ турлари бўйича солиқ ставкаларининг камайтирилиши, солиқ имтиёзларининг кенгайтирилиши эвазига эмас, балки ҳукуматимиз томонидан иқтисодиётда кенг қамровли таркибий ўзгартиришларни таъминлайдиган аниқ мақсадли давлат дастурларини изчиллик билан амалга ошириш ҳисобидан солиқ тушумларига нисбатан ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш даражаси ўртасидаги юқори фарқнинг вужудга келтирилиши билан изоҳланади.³

Ўзбекистон Республикасида экспорт қилувчилар учун кенг имтиёзлар ва преференциялар тизими амалиётга жорий этилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги хорижга экспорт қилувчилар учун қуйидаги имтиёзларни тақдим этади:

- Қўшилган қиймат солиғига имтиёзлар;
- Акциз солиғига имтиёзлар;
- Даромад солиғига имтиёзлар;
- Мулк солиғига имтиёзлар;

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 212-моддасига асосан товарларни чет эл валютасида экспортга реализация қилиш оборотига нол даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади, яъни бу экспорт қилинадиган товарларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган моддий ресурслар учун қўшилган қиймат солиғи суммасини тўлашдан озод этилишини англатади.

Қуйидагиларга акциз солиғи солинмайди:

- акциз тўланадиган товарларни уларнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан экспортга реализация қилишга, бундан Ўзбекистон Республикаси

³ Президент И.Каримовнинг 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга қўтарадиган йил бўлади: 2011-йилнинг асосий якунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга қўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: “O‘qituvchi” НМИУ, 2012. -272 бет.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари мустасно;

-кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши шарти билан "божхона ҳудудида қайта ишлаш" божхона режимига жойлаштирилган товарлардан ишлаб чиқарилган қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни топширишга; (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 230-модда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 июндаги ПФ-2613-сонли “Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида” Фармонида мувофиқ, экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, уларни мулкчилик шаклидан қатъий назар, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, амалдаги солиқ имтиёзларини тартибга солиш ва экспортга мўлжалланган рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга шундай имтиёзларнинг рағбатлантирувчи таъсирини кучайтириш мақсадида экспорт қилувчи корхоналар учун фойда солиғи ва мулк солиғини тўлаш тартиби умумий сотиш ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган ва эркин алмаштириладиган валютага сотилган товарлар, ишлар, хизматлар экспортидаги (ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган жойдан қатъий назар) улушига боғлиқ ҳолда қуйидагича белгиланган:

-экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача миқдорда бўлганида - белгиланган фойда солиғи ва мулк солиғи ставкалари 30 фоизга камайтирилади;

-экспорт улуши 30 ва ундан кўпроқ фоиз бўлганида - белгиланган фойда солиғи ва мулк солиғи ставкалари 50 фоизга камайтирилади.

Мазкур имтиёзлар эркин алмаштириладиган валютага хом ашё маҳсулотлари - пахта толаси, ип газлама калаваси, линт, нефть, нефть маҳсулотлари, газ конденсати, табиий газ, электр энергияси, қимматбаҳо, рангли ва қора металллар экспорт қилувчи савдо-воситачилик корхоналарига,

шунингдек ишлаб чиқариш корхоналарига татбиқ қилинмайди.

Микро фирма ва кичик корхоналар, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар экспортдан олинган хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотишдан озод этилади, табиий газ экспорти ва транзитини амалга оширувчи корхоналар бундан мустасно. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сонли Қарори).

Ишлаб чиқариш корхоналарига товарларини экспорт қилиш учун ўз ишлаб чиқариш маҳсулотларини реклама қилиш ва ташқи бозорнинг маркетинг тадқиқотларини олиб бориш мақсадида хорижда савдо уйлари ҳамда ваколатхоналар очишга рухсат берилади. (1997 йил 10 октябрдаги ПҚ-1871-сонли).

Товар консигнация шартларида, банк кафолатномаси ёки сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан экспорт контрактларини суғурталаш полисини тақдим етмасдан экспортчи томонидан чет элдаги корхона номига: ўз ишлаб чиқарган маҳсулот устав жамғармасида экспортчининг улуши камида 51 фоизни ташкил қиладиган чет элдаги корхона номига экспорт қилинганда етказиб берилиши мумкин; (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 9 августдаги 189-сонли Қарори)

Божхонада расмийлаштирилган кундан бошлаб 180 кун мобайнида экспортчи шартномалар (контрактлар) асосида чет элдаги корхоналар номига олиб чиқилган товарлар бўйича валюта тушуми тушишини ёхуд ушбу товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтаришни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги ПҚ-1464-сонли Қарори билан тасдиқланган 2011-2015 йиллар даврида Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотлар кўламини чуқурлаштириш ва кенгайтириш, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш мезонларини ва баҳолаш тизимини белгилаш ва амалга ошириш чора-тадбирлари Давлат дастурига мувофиқ, хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, товарларни электрон декларация қилиш тизимини босқичма-

босқич жорий этиш назарда тутилган. Мазкур хужжат лойиҳаси Давлат Божхона Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги вақтда манфаатдор вазирлик ва ташкилотлар томонидан мувофиқлаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги ПФ-3557-сонли “Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясининг устувор йўналишларини демократик бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш соҳасида амалга ошириш бўйича чоратadbирлар тўғрисида” Фармойишининг бажарилиши юзасидан, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилган ва Олий Мажлисга кўриб чиқиш учун киритилган. Божхона қонунчилигидан фойдаланишни мазкур қонун лойиҳаси билан бир хиллаштириш ва соддалаштириш мақсадида, амалдаги Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг “Божхона тарифлари тўғрисидаги” Қонуни бирлаштирилган, ҳамда халқаро норма ва стандартлар билан мувофиқлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (28.04.2011й. ВМҚ-122-сонли) Қарорига мувофиқ "Ўзстандарт" агентлигининг маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси ташкил этилган ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

- экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ташкилотларга стандартлар, сертификатлаштириш, ёрликлаш, қадоқлаш ва бошқа параметрлар бўйича халқаро ва мамлакатлараро талаблар юзасидан бепул консультация хизматлари кўрсатиш;

- ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда стандартлар бўйича халқаро ва мамлакатлараро талабларни жорий этиш ва улар даражасига эришиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни хорижий бозорларга киритиш

бўйича зарур маълумотларни олиш учун ишлаб чиқарувчи ташкилотларга ахборот-консультация ёрдами кўрсатиш;

- стандартлар, сертификатлаштириш, маҳсулотларни ёрликлаш, кадоқлаш ва бошқа параметрлар бўйича халқаро ва мамлакатлараро талабларнинг доимий равишда янгиланган бориладиган маълумотномасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, кейинчалик уни Интернет тармоғидаги "Ўзстандарт" агентлиги сайтига жойлаштириш.

Шунингдек, ишлаб чиқарувчи ташкилотларга қулай шарт-шароитлар яратиш, сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштириш мақсадида, ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига мувофиқ, экспортга етказиб бериш учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ихтиёрий равишда сертификатлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги ПҚ-1604-сон "Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" Қарорига мувофиқ, товарларни экспорт қилишда тўланадиган божхона расмийлаштируви йиғимларининг амалдагига қараганда ўртача 2 маротабага камайтиришни назарда тутувчи янги ставкалари тасдиқланган.

Мазкур Қарорга мувофиқ белгиланганки, 2011 йилнинг 1 октябридан бошлаб товарлар, ишлар ва хизматларни экспорт қилувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун давлат божхона хизмати органларида экспорт контрактларини ҳисобга кўйиш товарларнинг божхона расмийлаштируви жараёнида бевосита божхона постларида амалга оширилади (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сонли Фармони билан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ хом ашё товарлари экспортидан ташқари).

Шундай қилиб, 2011 йил 1 октябрдан бошлаб, экспорт қилувчи корхоналар учун божхона расмийлаштируви, декларация қилиш, сертификатлаштириш, санитария-эпидемиология назорати ва товарларнинг

божхона расмийлаштируви жараёнида қатнашадиган бошқа ташкилотлар фаолиятининг бир вақтнинг ўзида амалга оширилишини таъминлайдиган "бир дарча" тамойили асосида механизми фаолият юритмоқда.

Бундан ташқари, мазкур Қарорга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари товарларини экспорт қилишга ихтисослаштирилган "Ўзтадбиркорэкспорт" ташқи савдо компанияси ташкил этилган ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига уларнинг товарларини тўғридан-тўғри экспорт қилиш шартномалари бўйича, шунингдек хорижда ташкил этиладиган савдо уйлари орқали сотишда кўмаклашиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини экспорт қилишга доир амалдаги шартномалар гарови асосидан экспортдан олдинги молиялаштиришни ташкил этиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари буюртмаларига кўра республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларни етказиб бериш;

- экспорт маҳсулотларини сертификатлаштиришда кичик бизнес корхоналарига кўмаклашиш, реклама тадбирларини ўтказиш, халқаро ярмаркалар ва кўргазмаларни ташкил этиш ва қатнашиш, манфаатдор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ахборот ва маслаҳат хизматлари билан таъминлаш.

Шу билан бирга, "Ўзтадбиркорэкспорт" компанияси қуйидагилардан овозд этилган:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспортга сотишдан тушган хорижий валютанинг бир қисмини мажбурий сотишдан. Бунда улар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари буюртмаларига кўра

республикада ишлаб чиқарилмайдиган янги технологик асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларни харид қилишга мақсадли йўналтирилади;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари буюртмаларига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб келинадиган янги технологик асбоб-ускуналар,

- эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материаллар юзасидан божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги ПҚ-1604-сонли “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг “Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2000 йил 29 июндаги 245-сонли Қарори 5-бандига ўзгартиришлар киритилган ва бу чет эл валюта тушуми тушишини кечиктирган экспорт қилувчи ташкилотларга жарима санкцияларини енгиллаштиришни назарда тутди, жумладан: чет элдан валюта тушуми тушишининг белгиланган муддатлари ўтгандан кейин 30 банк кунидан кўпроқ муддатга кечикишига йўл қўйган экспортчига (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун - 60 банк куни) нисбатан солиқ органлари томонидан қўйидаги санкциялар қўлланилади:

- валюта тушуми тушиши белгиланган муддатдан 180 кунгача кечикканда - тушмаган валюта маблағлари суммасига нисбатан 10 фоиз эквивалентда;

- валюта тушуми тушиши белгиланган муддатдан 180 кундан 365 кунгача кечикканда - тушмаган валюта маблағлари суммасига нисбатан 20 фоиз эквивалентда;

- валюта тушуми тушиши белгиланган муддатдан 365 кундан ортиқ

муддатга кечикканда - тушмаган валюта маблағлари суммасига нисбатан кўшимча равишда 70 фоиз эквивалентда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ПФ-4399-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” Фармонида мувофиқ товуқ гўштини экспорт қилишни тақиқлаш бекор қилинган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги ПҚ-1731-сонли “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида кўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, маҳаллий товар (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчи корхоналарга кўйидаги ҳуқуқлар берилади:

- халқаро молия институтлари, донор мамлакатлар, хорижий давлатлар ҳукуматлари, бошқа норезидентлар маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича халқаро тендерларда хорижий қатнашчилар билан тенг шароитларда, жумладан ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат)ларни етказиб беришга чет эл валютасида шартномалар тузган ҳолда иштирок этиш.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш назарда тутилган ўзида ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат)ларни етказиб беришга тўғридан-тўғри битимлар шартида норезидентлар билан хорижий валютада шартномалар тузиш. Белгиланадики, мазкур бандда (5 модда) кўрсатилган шартномалар фақат хизмат кўрсатаётган ваколатли банкда ҳисобга қўйилган ва экспорт қилувчи корхоналардек солиқ имтиёзлари берилган ҳолда экспорт шартномаларига тенглаштирилади. Бунда, мазкур Қарорнинг (6 модда) сига биноан белгилаб қўйилганки, 2012 йил 1 апрелдан бошлаб янги қурилиш, мавжуд ишлаб чиқаришларни модернизациялаш ва технологик янгилашга валюта кредитлари бўйича асосий қарзни қайтаришга жорий тўловлар бўйича

йўналтириладиган валюта тушуми қисмини ваколатли банкларга мажбурий сотишдан асосий қарз батамом тўлаб бўлинадиган муддатга кадар озод қилинади.

Сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификациядан ўтказиш, шунингдек лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш комплексларини харид қилишга йўналтириладиган маблағларга янги технологик ускуналарни сотиб олишда назарда тутилган ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани камайтиришнинг амалдаги тартиби микрофирмалар ва кичик корхоналар учун татбиқ этилди. Қарорнинг (8 моддаси)га биноан тижорат банкларига экспорт операциялари бўйича факторинг хизматларини амалга оширишнинг чекланган муддатини 60 кундан 90 кунга узайтирган ҳолда экспорт операциялари бўйича факторинг хизматларини амалга ошириш ҳажмини кенгайтириш тавсия этилди.

2012 йилнинг биринчи чораги натижалари бўйича, Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси 2011 йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 102 фоизни ташкил этиб, 5907,4 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Шу жумладан, умумий экспорт ҳажми 2011 йилга нисбатан 92,5 фоиз ёки 3 133,4 млн. АҚШ долларини, импорт эса 115,3 фоиз ёки 2774,0 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Таъкидлаш керакки, 2012 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 359,4 миллион АҚШ долларига тенг бўлди⁴.

1.3. Иқтисодиётини эркинлашуви шароитида ташқи иқтисодий фаолиятининг ташкилий ва тартибга солиш асослари

Бозор муносабатларига ўтишнинг илк босқичларида ташқи иқтисодий алоқаларнинг давлат томонидан тартибга солиниши, айниқса муҳимдир. Бу эса биринчи навбатда, ташқи савдони ва ташқи иқтисодий

⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

фаолиятнинг бошқа шакллари тартибга солиш механизмларини ўзгарувчан ички ва ташқи шароитларга мунтазам мослаштириб боришни, яъни оқилона ташқи иқтисодий сиёсат юргизишни талаб этади.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг моҳиятини кўриб чиқишдан олдин ушбу тушунча мазмунини аниқлаштириб олиш зарур.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш — бозор муносабатлари шаклланиши шароитида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самараси ва динамикасини ошириш мақсадида мамлакат ички ва ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, жумладан, ташқи иқтисодий мувозанатни таъминлаш, экспорт ва импорт таркибида прогрессив силжишларни рағбатлантириш, хорижий капитал оқимини кучайтиришга йўналтирилган ваколатли давлат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган қонунчилик, ижроия ва назорат қилиш тусидаги чора-тадбирлар тизимидир.

Бу ташқи иқтисодий сиёсатнинг энг умумий таърифидир. Ушбу таърифни аниқлаштириш учун ташқи иқтисодий сиёсат давлат ички ва ташқи сиёсатининг таркибий қисми эканлигини таъкидлаш жоиздир.

Биринчидан, ўтиш даври шароитида ташқи иқтисодий сиёсат янги иқтисодий уклад шаклланишининг муҳим омили, иқтисодий ҳаётнинг бозор муносабатларига монанд илғор шакллари барпо этишнинг воситаси ҳисобланади ва қаттиқ марказлаштирилган режали иқтисодиётнинг нодинамик, қотиб қолган шакллари кескин фарқ қилади. У иқтисодий ва маъмурий чора-тадбирлардан фойдаланиб, ички иқтисодий сиёсатнинг қуйидаги бир қатор асосий вазифаларини ҳал этишга даъват қилинган:

- миллий иқтисодиётнинг ҳар томонлама ривожланишини рағбатлантириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш;
- ички бозорни ҳимоя қилиш;
- таркибий қайта ўзгартиришлар амалга оширилишига кўмаклашиш;

- мамлакат ҳудудлари ресурсларидан самарали фойдаланиш ва хоказолар.

Иккинчидан, пухта ўйланган ва мувозанатли ташқи иқтисодий сиёсат давлат ташқи сиёсатининг ажралмас қисми сифатида мамлакатнинг ташқи иқтисодий манфаатларини таъминлаш ва амалга ошириш мақсадларига хизмат қилади, миллий иқтисодиётни жаҳон бозорлари конъюнктурасининг кескин ўзгаришларидан ҳимоя қилишга, унинг жаҳон ҳўжалигига уйғун қўшилишига фаол қўмаклашишига даъват этилгандир.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий сиёсати жаҳондаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар нисбатан тез ўзгараётганлигини ҳисобга олиб, жўшқин, ҳаракатчан, мосланувчан бўлиши зарур. Айни вақтда давлатимиз жаҳон ҳўжалигига қўшилаётган бир шароитда гап иқтисодий суверинитет, ватан иқтисодиётини рағбатлантириш, мамлакатнинг туб манфаатларига риоя қилиш тўғрисида борар экан, етарлича барқарор бўлиши талаб этилади. Бунга ташқи иқтисодий сиёсат ўз ривожланишининг илмий асосланган концепциясига таянгандагина эришиши мумкин.

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш деганда, энг аввало ташқи иқтисодий фаолият қатнашувчиларининг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, ташқи савдони тартибга солиш маъмурий услубларининг маълум қадар қисқариши, мавжуд тўсиқ ва ғовларнинг бартараф қилиши тушунилади. Бу мутлақо муқаррар, ички иқтисодий муносабатлар эркинлашувининг мантиқий оқибатларидир. Самарали бозор механизми фақатгина жаҳон бозор муносабатлари билан узвий алоқада ташкил қилинган бўлиши мумкин. Яна бунда энг муҳими турли мамлакатлар иқтисодий ва ҳуқуқий шаклларининг маълум даражада ўхшашлигидадир. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ислохотларни амалга ошириш имкониятларини кенгайтиради, ўтиш

даври иқтисодиёти масалалари ечимини тезлаштиради.

Бундай эркинлаштиришнинг асосий шакллари — хорижий инвестицияларнинг мамлакатга кириб келишини кенгайтириш, ташқи иқтисодий фаолиятнинг давлат томонидан марказлашган ҳолда бошқарилишига (ташқи иқтисодий операциялар марказлашувига) барҳам бериш, импорт қилиш жараёнидаги ортиқча тўсиқларни олиб ташлаш, экспортнинг ривожланишини фаоллаштириш (божлар, лицензиялар, квоталар ва имтиёзларни қисқартириш орқали), миллий валютанинг конвертация қилинишини таъминлашдир.

Бу шакллар жаҳон тажрибаси кўрсатганидек, амалдаги бозор механизмларини кучайтиради, гарчи тўлиқ ҳолда улар ҳатто ривожланган бозор иқтисодиётида ҳам қўлланилмайди. Миллий ишлаб чиқаришни ҳимоя қилган ҳолда давлат маълум чекланишларни ўрнатади, божхона тарифларидан кенг фойдаланади, турли хил тақиқларни киритади ва ҳоказолар. Бозор механизми энди шаклланаётган, мавжуд ишлаб чиқариш бозор шароитларига ҳали тўлиқ мослашмаган ўтиш даври иқтисодиётида давлатнинг роли янада муҳимдир.

Шунинг учун ўтиш даври иқтисодиётида ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш сиёсати ички миллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга зарар келтирмаган ҳолда мамлакатда бозор муносабатларини тезкор ривожланишини ва унинг жаҳон хўжалигига уйғун қўшилишини мақбул даражада таъминлаши зарур.

Молиявий капитал бозорининг очиқлик даражаси алоҳида масала сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Шак-шубҳасиз, шундай очиқлик даражаси талаб этиладики, у биринчи навбатда инвестицияларни бевосита жалб қилишни таъминлаши зарур. Бироқ, портфел инвестициялар, шунингдек, ўрта ва қисқа муддатли кредитларни жалб этиш анча мураккаб масала. Яқинда кузатилган Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларидаги молиявий танглик шуни кўрсатадики, ҳайиқиш

ҳолатида, яъни мамлакатдан капиталларни бирданига чиқиб кетиш жараёни юз берганда қисқа муддатли капиталлар эркин ҳаракати иқтисод ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу билан биргаликда кредитлар ва фонд ресурслари эркин ҳаракатининг мушкуллаштирилиши, табиийки миллий хўжалик имкониятларини чеклайди.

Валюта бозорининг либераллашуви миллий валютанинг конвертация қилинишини, авваламбор жорий операциялар бўйича конвертация қилинишини таъминлашни билдиради. Унинг таъминланманганлиги — ташқи иқтисодий фаолиятни ривожланиши учун жиддий тўсикдир. Валюта бозорининг тўлиқ либераллашуви, албатта капитал ҳисоби бўйича конвертация қилинишини ҳам кўзда тутати. Бироқ, молиявий тизим самараси паст бўлган мамлакатлар валютанинг тўлиқ конвертация қилинишига шошилмасликлари мақсадга моликдир.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кезларида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда на зарурий институтларга, на етарли мутахассисларга, на самарали ўрнатилган алоқаларга эга эди ва шунинг учун бошланғич босқичда ўз ташқи иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва юритишда катта қийинчиликларга дуч келди.

Босқичма-босқич амалга оширилаётган либераллаштириш натижасида Ўзбекистон ташқи савдо режими халқаро амалиёт меъёрларига ва талабларига борган сари яқинлашмоқда: лицензиялаштириладиган товарлар рўйхати қисқарди; миқдорий чекланишлар борган сари тарифлар асосида тартибга солинмоқда; эркин конвертация қилинадиган валютага ўзи ишлаб чиқарган рақобатбардош тайёр маҳсулотларни экспорт қилувчи корхоналар учун, шунингдек, хорижий инвестицияларни ишлаб чиқариш соҳаси, айниқса, катта экспорт салоҳиятига эга бўлган тармоқларга жалб қилишни рағбатлантирувчи имтиёзлар тизими узлуксиз равишда такомиллашиб бормоқда. Инвестицион қўйилмаларни суғурта қилиш тизими ривожланиб бормоқда, молиялаштиришнинг энг

мураккаб схемаларини қўллаш асосида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий инфратузилмалар шаклланмоқда.

Бироқ мамлакатнинг ташқи иқтисодий имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга тўсиқ бўлаётган салбий ҳолатлар ҳали ҳам сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистон учун ташқи савдони ислоҳ қилиш ва экспортни рағбатлантириш — нафақат эркин айирбошланадиган валютада даромадлар ўсишининг муҳим манбаси, жаҳон иқтисодига интеграциялашувининг асосий воситаси, балки бошланган иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлайдиган миллий валютани мустаҳкамлаш, иқтисодда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш каби энг долзарб масалаларни ҳал қилишга қаратилган ҳаракатлардан ҳисобланади.

Маъмурий назоратнинг қисқариши орқали замонавий халқаро қоидаларга мувофиқ ташқи савдони бозор механизмлари воситаси билан тартибга солиниши республикада ўтиш даврига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ташқи савдони давлат томонидан тартибга солишни ва ислоҳ қилиш услубларини такомиллаштиришни талаб қилади. Хўжалик субъектларининг макроиқтисодий бозор ислохотлари натижасида вужудга келган рағбатлантириш омилларидан тўлиқ фойдаланишини таъминлаш учун Ўзбекистон халқаро молиявий ва техник ёрдамга муҳтождир. Республика хўжалик субъектларининг халқаро савдо жараёнларида иштироки ҳозирги кунда фақатгина тўпланган тажрибалар ва ўрнатилган савдо алоқалари ҳисобига жаҳон бозори ҳолати бўйича етарли даражада маълумотлар бўлмаган ва бу соҳада илмий изланишлар деярли йўқ шароитда рўй бермоқда.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида республика дуч келаётган асосий қийинчиликлар қуйидагилар:

- ташқи иқтисодий алоқаларнинг ўзгарувчан шарт-шароитларни инобатга олувчи, уларни давлат томонидан тартибга солишининг илмий асосланган концепциясининг мавжуд эмаслиги;

- ташқи савдонинг ташкилий инфратузилмаси ва экспортга реал кўмаклашишнинг суст ривожланиши;

- ташқи иқтисодий катнашувчиларининг аксарият қисмида ташқи иқтисодий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бозор иқтисодиёти, жаҳон бозорига кириш шарт-шароитлари, ҳуқуқий ва техник жиҳатлари тўғрисидаги махсус билимларнинг етишмаслиги;

- жаҳон бозорлари ҳақида керакли тижорий маълумотларнинг етишмовчилиги ёки йўқлиги;

- ташқи савдонинг функционал соҳаларида техник қўллаб-қувватлаш кўпчиликлари турларининг мавжуд эмаслиги;

- божхона ва экспорт-импорт назоратини компютерлаштириш ва автоматлаштиришнинг талаб даражасида эмаслиги.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида эришилган ютуқлар билан биргаликда унинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатувчи муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда. Уларни бартараф этишда ҳар томонлама илмий асосланган ташқи иқтисодий сиёсат концепциясини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш зарурияти туғилади.

Одатда концепция ташқи иқтисодий муҳит ўзгаришига онгли равишда мослашиш эҳтиёжи туғилганда илмий доиралар томонидан яратилади. Оқилона тузилган ташқи иқтисодий сиёсат концепцияси авваламбор иқтисодиётдаги аҳволни тубдан таҳлил қилиш билан бошланади. Таҳлил макродаражада - мамлакат иқтисодиётининг аҳволи, унинг бюджети, тўлов баланси ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларни ўрганиш, аниқ бозорлар даражасида эса, талаб ва таклиф нисбатини, миллий ва хорижий таклифни, товарларнинг сифат тавсифини, рақобатни ва ҳоказоларни ўрганиш асосида амалга

оширилади. Таҳлил давомида ечими талаб этиладиган муаммолар аниқланади, уларни ҳал этиш, салбий ҳодисаларни бартараф этиш ёки бартараф этмасликнинг муқобил оқибатлари баҳоланади.

Ташқи иқтисодий сиёсат концепциясини яратишдаги муҳим босқичлардан яна бири барча имкониятларни белгилашдан, яъни ташқи иқтисодий фаолиятни соҳасидаги асосий мақсад ва вазифаларни аниқлаштиришдан иборат. Ушбу босқичда ҳар бир мақсаднинг хусусияти аниқланади, яъни мақсадлар дастлабки ёки пировард, миқдорли ёки сифатли, қисқа, ўртача ёки узоқ муддатли бўлиши мумкин. Мақсадлар шунингдек, уларнинг иқтисодиётга таъсир кўрсатиш қўламлари ва ҳаражатларнинг миқдор кўрсаткичлари, институционал, молиявий ва кадрлар таъминоти, имкониятлари бўйича ҳам фарқланади. Таҳлил яхлит тизимни барпо этиш — мақсадлар иерархияси тизимини барпо этиш, уларнинг даражалари бўйича вақтинча тақсимлаш ва тизим ичида мақсадларнинг ҳаракат қилиш истиқболларини шакллантириш билан яқунланади.

Ташқи иқтисодий фаолият концепциясини ишлаб чиқишда айрим тартибга солувчи воситалар қўлланилиши шартларини, айрим воситаларнинг биргаликда қўлланилиши даражасини, уларнинг мақсадга мувофиқлигини, уларни қўллашда кўриладиган қўшимча самараларни, тартибга солиш воситалари самарадорлигини ва уларни қўллаш зарурлигининг етарлича асосланганлигини аниқлаш ҳам муҳимдир.

Концепция вақти-соати келиб, ташқи иқтисодий фаолиятни трансформацияланувчи ҳукумат доктринаси бўлиб қолади.

Ташқи иқтисодий сиёсат концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кенг миқёсдаги жаҳон тажрибасига, яъни дунёдаги ривожланган, ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечираётган турли мамлакатлар тажрибасига мурожаат қилиш мақсадга

мувофиқдир. Бу ўринда, айниқса, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари тажрибаси Ўзбекистон учун муҳим сабоқ бўлиши мумкин.

Японияда, масалан, илмий асосланган ташқи иқтисодий фаолият мамлакат ривожланишида муҳим амалий омил ҳисобланади. У Япониянинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда жаҳон хўжалигига чуқур интеграциялашувини таъминлаб, ушбу мамлакатни халқаро иқтисодий, илмий-техникавий, молиявий ва савдо марказларидан бирига айлантирди. Японияда ташқи иқтисодий фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниши барча босқичларда мамлакатдаги ва хориждаги иқтисодий аҳвол таҳлили, таркибий ва жўғрофий ўзгаришларнинг устувор йўналишлари стратегиясини белгилашдан тортиб, то маъмурий ва иқтисодий рағбатлантирувчи воситаларнинг кенг тизимини қўллашга қадар амалга оширилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг япон амалиётида ўзаро бир-бирини тўлдирувчи услублардан, яъни қонуний, маъмурий-ҳуқуқий, иқтисодий, норасмий услублардан самарали фойдаланилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда иқтисодий дастаклар муҳим роль ўйнайди. Япон халқаро кооперация банки (собиқ Япония Эксим-банки) экспорт-импорт операцияларини ва япон компанияларининг хорижга инвестицияларини кредитлашда самарали воситачи вазифасини ўтайди. Мамлакатда ҳам экспортни ҳам импортни рағбатлантиришга қаратилган, бошқа давлатларда нусхаси бўлмаган имтиёзлар тизими қўлланилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланишига миллий операторлар манфаатларини ҳар қандай хавф-хатарлардан ишончли ҳимоя қилувчи жаҳондаги энг йирик кўп хил турдаги савдо ва инвестицияларни суғурталаш давлат тизими кўмак беради. У умумий савдо суғуртасини, валюта хатарлари, экспорт векселлари, экспорт

облигациялари, импорт учун аванс тўловлари, хорижий инвестициялар, хорижий корхоналарга кредитлар берилиши суғуртасини ўз ичига олади.

Шу билан биргаликда давлат ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этувчи бош ташаббускор сифатида чиқади ва бу фаолиятни бюджет маблағларидан молиялаштирилади. Ушбу тизим маркетинг маълумотларини тўплаш ва таҳлил қилиш, информацион-консультатив хизматлар кўрсатиш, реклама-кўргазмага оид ишларни ташкил қилиш каби фаолият соҳаларини қамраб олади. У ташқи иқтисодий фаолиятни самарадорлигининг ошишига, ташқи иқтисодий фаолият янги қатнашувчиларнинг қўшилишига ёрдам беради.

Ташқи иқтисодий фаолиятда давлат иштирокининг муҳим йўналишларидан яна бири, тижорат ишларини керакли маълумотлар билан таъминлаш, хорижий тижорат маълумотларини йиғиш ва таҳлил қилиш ҳисобланади. Бундай кенг қамровли фаолиятга Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи савдо ва саноат вазирлиги, Фан ва техника бошқармаси, Иқтисодни режалаштириш бошқармаси ва бошқа ташкилотлар жалб қилинади.

Бу қаторда муҳим ўринни 1958 йилда ташкил этилган ва ҳукумат томонидан тўлиқ молиялаштириладиган Япония ташқи савдони ривожлантиришга кўмаклашувчи нотижорат ташкилоти (ДЖЕТРО) эгаллайди.

Япониянинг ўзида (31 информацион марказ) ва бошқа мамлакатлар ҳудудларида (28) ҳар хил соҳадаги ривожланган маълумот тармоқларга эга бўлган ДЖЕТРО жаҳондаги энг йирик ишбилармонликка оид маълумотлар манбаи бўлиб ҳисобланади. Унинг ахборотлари базаси катта миқдордаги маълумотлар, шу жумладан, хорижий экспортёрлар ва япон импортёрларининг кенг қамровли рўйхатидан иборат.

Япон ташқи иқтисодий мажмуасининг самарадорлиги кўп жиҳадан ТИФ институционал асосларининг мустаҳкамлигига боғлиқ. Бу соҳада

давлат бошқаруви органлари тизими сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин, маъмурий бошқариш (Ташқи савдо ва саноат вазирлиги), мувофиқлаштириш (Савдо кенгаши) ва маслаҳат бериш органлари. Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан бошқаришда япон тизимининг асосий хусусияти сифатида турли даражаларда, хатто ҳукумат ва бош вазир даражасида фаолият кўрсатувчи кўп сонли (200 дан ортиқ) турли консултантив органларни келтириш мумкин. Уларнинг таркибида нафақат давлат амалдорлари, балки жамоат, оммавий ахборот воситалари, ишбилармонлар, илмий доиралар вакиллари бўлиб, бу ташкилотлар фаолияти илмий асосланган ташқи иқтисодий фаолиятни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, шунингдек, бу соҳада умумий келишувга (консенсусга) эришишда муҳим роль ўйнайди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг япон тизими давлат ва бизнес ўзаро муносабатларининг махсус парадигмаси билан фарқ қилади. Унинг асосида хусусий сектор томонидан давлат сиёсатининг энг муҳим стратегик йўналишларини ҳеч бир эътирозсиз қабул қилиниши ётади.

Тартибга солишнинг нафақат «қаттиқ» маъмурий чоратadbирларидан фойдаланувчи, балки уни «юмшоқ» шакллар билан тўлдирувчи бундай тартибга солиш модели бозор қонуниятлари билан уйғунлаштирган ҳолда давлат сиёсати самарадорлигини анча кўтариш имкониятини яратади.

Жанубий Кореяда ҳам ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг кўп қизиқарли ва фойдали томонларини кўриш мумкин. Айниқса, Ўзбекистон учун бу мамлакатда турли тармоқларда, хусусан экспортга йўналтирилган муҳим тармоқлардаги фирма ички харажатлари ва маҳсулот сифатининг давлат томонидан назорат қилиниши тажрибаси алоҳида аҳамият касб этиши мумкин. Мамлакат Президенти экспорт муаммолари бўйича ҳар ой кенгаш мажлисини

ўтказиб туради, экспорт бўйича топшириқлар белгиланади. Давлат шунингдек, хорижий капитални назорат қилади, хорижий валюталарнинг беҳисоб оқиб келишининг бартараф этилишини мустаҳкам таъминлайди (948 йилдан бошлаб хорижий валюталарни Марказий банкнинг махсус ҳисоб рақамларида мажбурий сақлаш амал қилади). Миллий экспортёрлар доимий равишда субсидиялар билан таъминланиб туради. (70-йилларда бу мақсадларга ЯММ нинг 10% атрофида харажатлар қилинган).

Япониядан фарқли ўлароқ, Жанубий Кореяда йирик бизнес кичик бизнес эвазига ривожланди. Айнан йирик конгломератлар (чеболлар) ташқи бозорга йўналтирилган корейс ривожланиш моделида асосий ўрин эгалладилар. Давлатнинг чеболлар ташқи иқтисодий фаолиятига ҳайрихоҳлига уларнинг фойдасига хорижий ёрдам ва субсидиялар, имтиёзлик ва валюта кредитларининг тақсимланишида намоён бўлди. Бундан ташқари, чеболларнинг ҳукумат билан яқин алоқада бўлганлари уларга энг истиқболли мулкка эгалик қилишга, фойдали давлат буюртмаларини олишга, ташқи савдо имтиёзлари ва бошқа устунликларга эришишга имконият яратди.

Шу билан биргаликда йирик бизнесни молиялаштиришнинг «қулай» шартлари анчагина муаммоларни туғдирди. Чеболларни иложи борича йирикликка интилиш (гигантомания) қамраб олди, нуфузли объектлар сони кўпайди, кам самарали ишлаб чиқариш юзага келди, молиялаштиришнинг ташқи манбаларига ва шунингдек, олий ва ўрта табақа мансабдорларининг «ишончлилиги»га тобеълик сезиларли даражада кучайди. Бу эса коррупциянинг кучайишига, бизнеснинг сиёсатга кераксиз аралашувига олиб келди.

1-БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

Шак-шубҳасиз мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва ҳўжалик таркиби бўйича ҳар қанча фарқлансалар ҳам

халқаро тажрибани ўрганиш ва ижодий ўзлаштириш зарур. Бизнинг фикримизча, Японияда, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларда ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг оқилона томонларидан миллий хусусиятларимизни ҳар томонлама инобатга олган ҳолда Ўзбекистонда кенг фойдаланилиши мумкин.

Гап ривожланишнинг миллий стратегиясида ташқи омилларни инобатга олиш заруриятлиги тўғрисида борапти. Шу сабабдан ташқи иқтисодий фаолиятнинг давлат томонидан оқилона тартибга солиниши, яъни жаҳон хўжалигига ўз-ўзидан юзага келадиган, стихияли интеграциялашувдан очик иқтисодиётни тартибга солиш ва назорат қилишга ўтилиши макроиқтисодий сиёсатнинг энг муҳим йўналиши бўлиб қолмоқда.

Шу билан биргаликда давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш билан чамбарчас боғлиқ бўлган таркибий сиёсатнинг мақсадлари, истиқболлари ва асосий йўналишларини аниқлаш ва амалга оширишда қатнашувини кучайтириш ўринли бўлади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни макроиқтисодий барқарорлаштириш, ишлаб чиқариш базасини босқичма-босқич модернизациялаштириш ва инвестицион фаолиятни жонлантиришга қаратилган ҳукумат умумий сиёсатининг ажралмас қисми бўлиши керак. Экспорт қилувчиларни амалий қўллайдиган, ҳам узоқ хорижий мамлакатлар, ҳам МДХ бозорларида ўзбек маҳсулотлари ҳаракати учун қулайликлар туғдирувчи чораларни қабул қила туриб, экспорт ва импортнинг самарали товар таркибини мақсадли шакллантирган ҳолда фаол ташқи иқтисодий стратегияга ўтиш жуда зарур.

**2-боб. Жахон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чора-тадбирлар
дастурини амалга оширишда экспорт-импорт операцияларини
суғурталаш ҳисобини ташкил қилишга таъсир этувчи омиллар**

**2.1. Ташқи иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида экспортнинг
аҳамияти ва таркибий тузилиши**

Экспорт атамаси инглизча “export”, лотинча “exporto” сўзларидан келиб чиққан бўлиб, “олиб чиқаман”, “четга чиқараман” деган маъноларни англатади. Экспорт деганда аслида товарлар, хизматлар, инвестиция, қимматли қоғозлар, технологияларни ташқи бозорга чиқариш тушунилади. Товарларни бир мамлакат орқали олиб ўтиш (транзит) ва бир мамлакатдан олиб келинган товарларни бошқа мамлакатларга сотиш учун чиқариш (реэкспорт) ҳам экспортга киради.

Мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган моддий бойликлар экспорт таркиби миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўрни билан боғлиқ. Саноати ривожланган мамлакатларга саноат маҳсулотлари, айниқса, машинасозлик маҳсулотлари ва технологиялар экспорт қилиш хос бўлса, қолоқ, аграр иқтисодиётга эга бўлган мамлакатлар экспортида хом ашё ва озиқ-овқат асосий роль ўйнайди. Яқка зироатчилик хўжаликлари ҳукмрон бўлган мамлакатлар экспортида 1—2 товар тури асосий ўринни эгаллайди.

Юокларни ташиш, воситачилик операциялари, туризм, илмий-техника алоқаларидан ва бошқа хизматларни сотишдан олинadиган даромадлар кўринмас экспортни ташкил этади ва иқтисодиёти ривожланган кўпгина мамлакатларда унинг аҳамияти ортиб бормоқда. Ҳар қандай давлат учун экспорт импорт ва чет элларда бошқа харажатларни тўлаш учун зарур бўлган чет эл валютасининг асосий манбаи. Давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсатида экспортни кенгайтириш муҳим масала ҳисобланади ва давлат экспорт учун мўлжалланган ишлаб чиқаришни қўллаб-

кувватлашнинг турли шакллари кенг қўллайди (солиқ имтиёзлари ва бошқа молиявий кўмаклар; экспортни давлат томонидан кредитлаш).

Экспортни чеклаш аксарият ҳолларда муайян мамлакатлар билан олиб бориладиган савдога эмбарго жорий этиш йули билан сиёсий мақсадларда амалга оширилади. Айрим товарлар экспорти баъзан иқтисодий ёки экологик сабабларга кўра чекланади (мазкур товарнинг мамлакат иқтисодиёти учун муҳимлиги, йўқолиб бораётган ҳайвонлар ёки ўсимликлар турларини, миллий маданий-бадий бойликларни асраш ва бошқалар). Ўзбекистон Республикасининг божхона кодексига мувофиқ, товарлар экспорти божхона режимида, божхона тўловлари тўланганидан кейин, иқтисодий сиёсат тадбирларига риоя этилган ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа талаблар бажарилган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан четга чиқарилади. Кўпгина мамлакатларда экспорт товарлари қўшилган қиймат солиғидан ва шунга ўхшаш солиқлардан озод қилинади.

Жаҳон савдо ташкилоти доирасида савдо қилишнинг янги тартиби ташқи савдони бошқариш бўйича баъзи чораларни қўллаш имкониятини чеклаб қўйди. Шунга қарамасдан, агар турли «рухсат берилган» субсидиялардан, «тўлов баланси» ҳақидаги халқаро савдо қонунларининг савдо билан бевосита боғлиқ бўлмаган бандларидан оқилона фойдаланилса ва халқаро савдо қоидаларини ижодий талқин қилинса, маневр қилиш учун сезиларли имкониятлар туғилади. Япония, Жанубий Корея, Тайвань сингари мамлакатлар ўз бозорларини ҳимоя қилиш учун жуда баланд тарифлар ва қатъий квоталар ўрнатмадилар. Аммо, кўплаб «норасмий» чоралар қўлланди. Бу мамлакатларда давлат чет элликлар учун мураккаб бўлган савдо тизимини кўплаб чекловчи қоидалар, андозалар, сифат тавсиялари ва ҳоказолар жорий этди. Хорижий рақобатчиларнинг мамлакат ичкарисидаги бозорларга кира олмасликларини таъминлаш учун «ғамхўрлик» қилди. Бу мамлакатларда кўпчилик компаниялар давлатдан ёки давлат ёрдамида имтиёзли кредит олдилар, кредитлар беришда «норасмий» тарзда фирмалар чет эл товар-

ларини имкон борица сотиб олмасликлари кўзда тутилди. Бу мамлакатлар импортни қийинлаштириш учун банклар билан турли келишувлар, рухсатномалар ва шунга ўхшаш бошқа «норасмий» чекловлардан фойдаландилар. Аҳоли ўртасида ҳам, жумладан, оммавий ахборот воситалари ёрдамида чет элда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиб олмаслик тўғрисида кенг тарғибот ишлари олиб борилди.

Шундай қилиб, ҳозирги замон назариялари ва жаҳон тажрибаси давлатнинг иқтисодий ривожланиш ва экспортга йўналтирилганликни таъминлашда кўп функциялари ва муҳим роль ўйнашини таъкидлайди.

Мустақиллик йиллари республикада экспортни ривожлантиришга катта аҳамият берилди. Экспортга ихтисослашган корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар кўрилди. Хусусан, маҳаллийлаштириш дастури асосида ўз маҳсулотларини четга экспорт қилувчи корхоналарга солиқдан имтиёзлар берилди. Бунинг натижаси ўлароқ, республиканинг ташқи савдо айланмаси 2011 йилда 25537,1 млн. АҚШ долларини ташкил қилди мумкин (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасининг асосий кўрсаткичлар⁵ (млн.АҚШ доллари)

	2006 йил	2010 йил	2011 йил
1. Ташқи савдо айланмаси	10785,7	21842,4	25537,1
шу жумладан:			
МДХ мамлакатлари	4656,3	9424,5	11110,1
Бошқа хориж мамлакатлари	6129,4	12417,9	14427,0
2. Экспорт	6389,8	13044,5	15027,2
шу жумладан:			
МДХ мамлакатларига	2685,5	5898,7	6720,1
Бошқа хориж мамлакатлари	3704,3	7145,8	8307,1
3. Импорт	4395,9	8797,9	10509,9
шу жумладан:			
МДХ мамлакатларига	1970,8	3525,8	4390,0
Бошқа хориж мамлакатлари	2425,1	5272,1	6119,9

⁵ Ўзбекистоннинг статистик ахборотномаси.-Т.: Давлат статистика қўмитаси.-2012 й.

Бу ўтган 2010 йилнинг кўрсаткичидан 115,0 фоизга кўпдир.

Жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2011 йилда Ўзбекистон ташқи савдо айланмасининг 69,9 фоизи экспортга, қолган қисми импортга тўғри келган. Яъни, импортга нисбатан экспорт ҳажми кўп бўлган. Агар 2006 ва 2010 йиллардаги ташқи савдо айланмаси таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, шу йиллари ҳам жами савдо айланмасида экспортнинг салмоғи юқори бўлганлигини кўрамиз.


Масалан, 2006 йилда жами савдо айланмаси миқдори 10785,7 млн. АҚШ долларини ташкил этган ҳолда экспорт 6389,8 млн. АҚШ долларини ёки бу умумий миқдорнинг 59,2 фоизини ташкил этган. 2010 йилда эса жами ташқи савдо айланмаси миқдори 21842,4 млн. АҚШ долларини ташкил этган ҳолда экспорт 13044,5 млн. АҚШ долларини ёки бу умумий миқдорнинг 67,3 фоизини ташкил этган.

Шуниси диққатга сазоворки, 2006-2011 йилларда мамлакатимизнинг ташқи савдо айланмаси 2,4 мартага кўпайган.

Хулоса қилиб айтганда, сўнги 5 йил ичида Ўзбекистон ташқи савдо айланмасида экспортнинг салмоғи импортга нисбатан юқори бўлган. Бу республикамызга катта миқдорда валюта маблағларини кириб келишига шароит яратади.

1- диаграмма маълумотларидан маълумки, 2010 йилда ташқи савдо айланмаси таркибида МДХ мамлакатларига нисбатан бошқа хориж мамлакатларига кўпроқ маҳсулот ва хизматлар экспорт қилинган. Яъни, шу йили жами ташқи савдо айланмасининг 57,8 фоизи МДХ мамлакатларидан ташқари бошқа хориж мамлакатлари ҳиссасига, 42,2 фоизи МДХ мамлакатлари ҳиссасига тўғри келган. Бу тенденция 2011 йилга ҳам хосдир. Шу йили МДХ мамлакатларидан бошқа хорижий мамлакатларга жами ташқи савдо айланмаси ҳажмининг 56,5 фоизи тўғри келган. Жами ташқи савдо айланмасининг 43,5 фоизи МДХ мамлакатларига тўғри келган. Кўриниб турибдики, 2011 йилга келиб жами ташқи савдо айланмаси ҳажмида МДХ

давлатларининг улуши бироз кўпайган, яъни 43,5 фоизни ташкил этган. Ваҳоланки, 2010 йилда бу кўрсаткич 42,2 фоизни ташкил этган. Бунга асосий сабаб шуки, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари билан ўзаро товар айирбошлаш операциялари ҳажми кескин кўпаймоқда.



4-расм. Ташқи савдо айланмасида МДХ ва бошқа хориж мамлакатларининг улуши⁶ (фоизда).

Биргина 2011 йилнинг ўзида товар маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми ўтган 2010 йилнинг кўрсаткичидан 115,4 фоизга ўсиб, 2000 йилга нисбатан 2 мартадан кўпроқ ортди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси йил давомида қарийб 4517,3 млн. АҚШ долларигача ўсди⁷.

Қуйидаги 2-жадвалда 2006 йил, 2010 йил ва 2011 йилларда Ўзбекистон Республикаси экспорт ҳажми ҳамда унинг таркибидаги ўзгаришлар динамикаси келтирилган.

Жадвал маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Экспорт ҳажмининг ана шундай ўсиши биз учун анъанавий ресурслар бўлмиш пахта толаси, қимматбаҳо металллар ва турли хом-ашё етказиб бериш ҳисобига эмас,

⁶ Ўзбекистон статистика ахборотномаси. -Т.: Давлат статистика қўмитаси, 2007 й.

⁷ Ўзбекистон статистик ахборотномаси. – Т.: Давлат статистика қўмитаси, 2012 й.

балки асосан автомобиллар, нефть-кимё ва металл маҳсулотлари, минерал ўғитлар, ип-калава ва газлама, трикотаж буюмлар, сим-кабель маҳсулотлари, курилиш материаллари ва бошқа шу каби кўплаб экспорт товарлари ҳажми ва турларини кўпайтириш эвазига таъминланмоқда.

2-жадвал

**Экспорт ҳажми ва таркибидаги ўзгаришлар
динамикаси**

	Экспорт умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида	
	2006 йил	2011 йил
Экспорт таркиби	100	100,0
Пахта толаси	17,2	9,0
Озиқ-овқат	7,9	13,2
Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва улардан ясалган буюмлар	5,6	5,6
Рангли ва қора металллар	12,9	7,4
Машина ва ускуналар	10,1	6,7
Энергетика ва нефть маҳсулотлари	13,1	18,5
Хизматлар	12,1	11,8
Бошқалар	21,1	27,8

Буни экспорт ҳажмида тайёр маҳсулотлар ва хизматларнинг улуши 53 фоиздан ошгани, пахта толасининг улуши эса 9 фоизгача камайгани ҳам яққол тасдиқлайди. Мамлакат экспорт ҳажмида пахта толасининг салмоғи 2006 йилда 17,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда унинг улуши жами экспорт ҳажмида 8,2 пунктга камайганлигини кузатиш мумкин. Буни юқорида келтирилган жадвал маълумотларидан аниқ билиб олиш мумкин. Аксинча, экспорт ҳажмида озиқ-овқат ва нефть маҳсулотлари ҳамда энергетиканинг улуши кўпайган. Масалан, 2006 йилда жами экспорт таркибида озиқ-овқатларнинг улуши 7,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 13,2 фоизни ташкил этган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг бозор иқтисодиётига асосланган жамият куришга, дунёнинг турли мамлакатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, аввало, ташқи савдони такомиллаштириш орқали жаҳон бозор тизимида интеграциялашиш томон

йўл тутди. Бугунги кунда экспортни ривожлантириш бу макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, инвестицион фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган давлатнинг умумий иқтисодий сиёсатининг ажралмас бир қисмидир. Экспортни кенгайтириш республикага эркин муомаладаги валютанинг кириб келишини кучайтириш ҳамда миллий валютани барқарорлигини таъминлайди.

2.2. Экспорт операциялари ҳисобини ташкил қилиниши

Мамлакат иқтисодиётининг юксалиши кўп жихатдан экспорт салоҳиятининг ўсишига боғлиқ. Республикамиз хом ашё захиралари ва замонавий технологияларга асосланган ишлаб чиқариш салоҳиятига эга. Бу ўз навбатида мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрнини белгилаб берувчи асосий омиллар ҳисобланади. Мамлакатимиз корхоналари экспорт салоҳиятининг ўсиши бевосита рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам республикамизда экспортга мўлжалланган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларни доимий қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Иқтисодиётимиздаги етакчи ва соҳаларнинг жаҳон иқтисодиётига уйғунлашиб кетиши уларнинг ривожига ижобий таъсир қилади. Шу билан биргаликда мамлакатимиз иқтисодиёти етакчи тармоқларини жаҳон бозорларидаги рақобат муҳити нуқтаи назаридан ривожлантириш зарурияти вужудга келади. Бу ўз навбатида корхоналарда хўжалик юритишнинг бутунлай янгича иқтисодий ва бошқарув муносабатларини шакллантиришни ва уларни маълумотлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришни тақоза қилади.

Шунинг учун ҳам ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи ҳар бир тадбиркор мустақил баҳо сиёсатини юритар экан энг аввало у ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни ёки қайта сотиш мақсадида корхоналардан сотиб олинган товарларга қанча сарфланганлигини билиши зарур. Чунки ушбу

харажатлардан келиб чиққан ҳолда ва бозордаги талаб ва таклиф асосида ўз маҳсулотига баҳо белгилайди.

Албатта ҳар қандай ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи тадбиркор ўз маҳсулотини омбордан хорижлик харидорга сотиб барча мажбуриятлардан ҳоли бўлишни хоҳлайди. Аммо бозордаги рақобат тадбиркорларни баъзан харидор шартларини тўла қабул қилишини тақозо қилади, яъни улар белгиланган

Манзилигача товарни етказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олиш заруриятини вужудга келтирди.

Ташқи иқтисодий фаолият корхоналари амалиётини ўрганиш натижалари экспорт импорт операцияларини амалга ошириш харажатлари таркибининг мураккаблигини кўрсатди. Баъзан у қилиш харажатларидан таркиб топса, бошқа ҳолларда товарни юклаш, тушириш, тахлаш, суғурталаш, божхона божларини, солиқлар ва йиғимларни тўлашдан ҳам иборат бўлади. Буларнинг барчасини сотувчи ёки харидор қисман ёки тўлиқ ўз зиммасига олишга мажбур.

Ташқи иқтисодий фаолият харажатларининг бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиш кўп жиҳатдан харажатларнинг мазмуни ва вужудга келиш жойлари, шуниндек харажат объектларини тўғри белгилашларига боғлиқ. Шунинг учун ҳам ташқи иқтисодий фаолият субъектлари бухгалтерлари ҳар бир харажатнинг мазмунини тўғри тушуниши, уларнинг вужудга келиши жойлари сабаблари ва уларнинг ким томонидан тўланаётгани (сотувчи ёки харидор) Аниқ билишлари лозим. Бунинг учун улар энг аввало ташқи иқтисоди фаолият иштирокчилари бўлган экспортёр (сотувчи) ва импортёр (харидор) ўртасидаги тузилган контрактдаги келишувларни ўрганишлари ва улар асосида қайси харажатлар ким томонидан тўланишларини аниқланишлари лозим бўлади. Контрактдаги белгиланган келишувлар ташқи иқтисодий фаолият харажатлари ҳисобини тўғри юритиш учун насос бўлади. Аммо шартномадаги келишувлар ташқи иқтисодий фаолият харажат-

ларини барча рўйхатини белгилаб бермайди. Аксинча вужудга келиши мумкин бўлган харажатларининг ким томонидан тўланиши лозимлигини белгилаб беради.

Чет эл хизмат сафари харажатлари ташқи иқтисодий фаолият операцияларини амалга ошириш учун корхона ходимлари ва мутуххасислари хорижга хизмат сафарлари жараёнида вужудга келадиган харажатларга айтилади. Чет эл харажатлари мазмуни жиёатидан бевосита олиб бориш имконияти чекланган.

Шунинг учун кам уларни корхонанинг давр харажатлари таркибида мажбурий харажатлар ёки муомала харажатлари сифатида ҳисобга олинади.

Товарларни вақтинчалик сақлаш жаражатлари деб уларнинг сотувчи омборидан то харидор омборигача бўлган масофадаги махсус оралик (узатувчи) омборларида вақтинчалик сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатларга айтилади. Республикамиздан хорижга экспорт қилинаётган товарлар харидорларга етгунча бир нечта махсус омборлар ва терминалларда вақтинчалик сақланади ва табиийки улар маълум харажатларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Вақтинчалик сақлаш харажатларининг вужудга келишининг бир неча сабаблари бўлиб улардан асосийлари қуйидагилар:

1. Бир транспортдан бошқасига юклаш;
2. Ташиш жараёнларидаги узилишларнинг вужудга келиши ;
3. Ташиш жараёнининг бир ритмда амалга ошириш имкониятининг мавжуд эмаслиги ва ҳ.з. товарларни вақтинчалик сақлаш харажатлари ҳам мазмуни жихатидан турлича бўлиб, асосан улар сақлаш жараёни технологияси билан узвий боғлиқ.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг иқтисодий жиҳатдан самарали бўлишида рекламанинг ўрни ва роли алоҳида аҳамиятга эга. Реклама қилиш, айниқса, унинг хорижда амалга оширилиши корхоналардан анча харажат қилишни талаб қилади. Реклама харажатлари деб ташқи иқтисодий фаолиятнинг самарали бўлиши учун товарлар иш ва хизматларни ташқи ва ики бозорда

танитиш ва уларнинг мавқеини ошириш мақсадида қилинадиган харажатларларга айтилади.

Реклама харажатлари мазмуни жиҳатида турлича бўлиб, улар рекламани амалга оширишнинг технологик жараёнига боғлиқ. Масалан радиода реклама қилиш жараёни билан телевиденияда реклама қилиш жараёни биридан фарқ қилади ва улар учун сарфланадиган харажатлар ҳам турлича бўлади.

Маркетинг хизматлари ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширадиган асосий босқич ҳисобланади.. Чунки ҳар қандый ташқи иқтисодий фаолият операциясини бошлашдан олдин маркетинг амалга оширилади, яъни бозор ўрганилади ва у харидор ёки сотувчини қониқтирсагина операция амалга оширилади.

Маркетинг корхонанинг махсус маркетинг хизмати бўлими ёки мутахассис шунингдек, маркетинг хизмати амалга оширувчи фирма томонидан амалга оширилиши мумкин. Маркетинг хизматлари харажатлари деб ички ва ташқи бозорни махсус товар (иш,хизмат)ларга бўлган талаби ва уни қондириш мақсадида қилинаётган таклифни ўрганиш учун қилинган харажатларга айтилади. Маркетинг хизмати харажатлари хизматнинг ҳажми унинг мураккаблиги ва бошқа омилларга боғлиқ.

Божхона тўловлари деб, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш жараёнида экспортёр ва импортёр мамлакатлари божхона органларида божхона расмийлаштируви учун тўланадиган харажатларга айтилади.

Ушбу харажатлар экспорт операцияларини амалга ошириш илан боғлиқ устама харажатлар сифатида қаралади ва уларни хорижга сотилаётган товарларнинг қийматига қўшилади. Бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи меъёрий ҳужжат ҳисобланган 21- БХМСда уларни товарларни сақлаш харидорга етказиб бериш маркетинг бўлимини сақлаш ва бошқа сотиш билан боғлиқ харажатлар сифатида қаралади ҳамда сотиш сарфлари таркибида ҳисобга олиш белгилаб қўйилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, корхонанинг маҳсулотларини экспорт қилиш билан боғлиқ харажатлари ҳисобининг амалдаги тизими бошқарув аппарати учун зарур бўлган экспорт қилинаётган маҳсулотлар таннарини ҳисоблаш имкониятини бермайди.

Фикримизча, корхонада экспорт қилинаётган маҳсулотлар бўйича баҳо сиёсатини тўғри юритиш учун экспорт қилинаётган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳисобини имкон қадар маҳсулот турлари бўйича ташкил қилиш нуқтаи назаридан такомиллаштириш зарур. Бунга эришиш учун энг аввало экспорт учун мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

Харажатларини алоҳида ҳисобга олиш зарур. Бунинг учун 200- Асосий воситалар ишлаб чиқариш сметида алоҳида 2020- Экспорт учун маҳсулот ишалаб чиқариш иккинчи тартибда смети очиш ва ушбу сметида алоҳида маҳсулот турлари бўйича учинчи смети очиш зарур. Шу билан биргаликда ушбу сметида экспорт учун мўлжалланган маҳсулотларни ўраш, қадоқлаш, маркировкалаш ва бошқа тартиб жўнатшаг тайёрлаш харажатларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Чунки биринчидан, экспортёр ва импортёр ўртасида тузилган шартномада халқаро келишув тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, уларни маркировкалаш ва бошқа талаблар ҳам кўрсатилади. Иккинчидан, ушбу харажатларни ишлаб чиқарилаётган ҳар бир маҳсулот турлари бўйича аниқ ҳисобга олиш имконияти мавжуд. Фикримизча агар харажатлар бевосита ҳар бир маҳсулот турига аниқ олиб бориш имконияти мавжуд бўлганда, уни амалга ошириш зарур. Чунки бу бухгалтерия ҳисоби муълумотларининг аниқлигини оширади.

Экспорт учун мўлжалланган экспортёр маҳсулотлар ҳисобини тўғри ташкил қилиш учун бухгалтерия ҳисобининг сметида 2840- “Омбордаги экспортга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар” смети очиш зарур. Шу билан биргаликда ушбу сметида омбордаги экспортга мўлжалланган маҳсулот турлари учун алоҳида учинчи тартибли смети очиш мақсадга му-

вофикдир. Асосий ишлаб чиқаришдан экспортга мўлжалланган тайёр маҳсулот омборига қабул қилишганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан расмийлаштирилади.

Дт 2840- “Омбордаги экспортга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар” счёти;

Кт 2020-“Экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқариш” счёти.

Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари амалиётини ўрганиш маҳсулотларини экспорт қилиш харажатлари таркибидаги суғурта харажатларини ҳам бевосита харажатлар сифатида экспорт қилинаётган ҳар бир маҳсулот тури бўйича ҳисобга олиш имконияти мавжуд. Чунки суғурталаш ҳар бир экспорт қилинаётган маҳсулот бўйича амалга оширилади. Шунингдек, маҳсулотларни реклама қилиш харажатлари божхона тўловлар ва айрим ҳолларда эса ташиш харажатларини ҳам бевосита ҳар бир маҳсулот тури ўртасида тақсимлаш имконияти мавжуд. Чунки бу харажатлар ҳар бир маҳсулот тури ва унинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Умуман олганда товарларни вақтинчалик сақлаш ва реклама харажатларини бевосита ҳамда билвосита харажатлар сифатида қараш мумкин. Чунки улар бевосита, битта маҳсулотни экспорт қилиш учун сарфланган бевосита бир неча маҳсулот учун сарфланганда эса билвосита ёки тақсимланадиган харажат сифатида тан олиш лозим.

Фикримизча экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг таннархини тўғри ҳисоблаш учун харажатларни ҳисобга олиш услубини ўзгартириш лозим яъни уларни 9410- сотиш харажатлари таркибида эмас балки уларни счётлар режасининг “Товар моддий захиралар” бўлимида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун счётлар режасида бўш турган 2400 счётдан фойдаланиш мумкин ва уни 2410- “Маҳсулотларни экспорт қилиш харажатлари” деб номлаш зарур. Ушбу счётда иккита иккинчи тартибли счёт очиш зарур. Биринчиси 2410- “Маҳсулотларни экспорт қилишнинг бевосита харажатлари” деб

номлаш ва унда ҳар бир маҳсулот турига бевосита тегишли бўлган экспорт килиш ҳаажатларни ҳисобга олиш зарур. Иккинчиси тақсимланадиган экспорт харажатлари счётида эса ҳар бир маҳсулот турига алоҳида олиб бориш имконияти мавжуд бўлмаган тақсимланадиган харажатлар ҳисобга олинади.

Тақсимланадиган харажатларни алоҳида маҳсулот турларига олиб бориш учун ҳар бир ташки иктисодий фаолият корхонаси ва ҳисоб сиёсатининг услубий жихатида тақсимлаш усуллари-усулларидан бирини “Ҳажмига мутаносиб”, “Кийматига мутаносиб” ва усулини бошқа расмийлаштириши зарур.

Маҳсулотлар экспорт килинганда 2840-“Омбордаги экспортга мўлжалланган маҳсулотлар” 2410-“Маҳсулотларни бевосита экспорт килиш харажатлари”, 2420-“Тақсимланадиган экспорт харажатлари” счётиларининг ҳар бир маҳсулотга тегишли қисми 9140-“Экспортга сотилган маҳсулотнинг таннархи счёти ҳар бир маҳсулот учун алоҳида очилган аналитик счётда олиб борилади ва қуйидаги бухгалтерия утқазмаси билан расмийлаштирилади.

Д-т 9140-“Экспортга сотилган маҳсулотларнинг таннархи” счёти

К-т 2410-“Маҳсулотларни экспорт килишнинг бевосита харажатлари” счёти;

К-т 2420-“Тақсимланадиган экспорт харажатлари” счёти

К-т 2840-“Омбордаги экспортга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар” счёти

Ушбу бухгалтерия ёзуви натижасида ҳосил булган маълумотлар асосида ҳар бир экспортга сотилган ва унинг бир-бирлигининг таннаrxини ҳисоблаш имконияти вужудга келади.

Маркетинг хизматини маҳсулотни экспорт килиш билан боғлиқ чет эл хизмат сафари ва сақлаш билан боғлиқ харажатлар корхонанинг экспорт ва импорт фаолияти билан боғлиқ бўлиб уларнинг бирор маҳсулот турига тақсимлаш жараёнининг мураккаблигига ва олинган маълумотларнинг аниқлик даражасини мавҳумлигини эътиборга олиб, уларнинг амалдаги тартибини сақлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шундай килиб, маҳсулотларни экспорт килиш ҳисоби ва сотилган маҳсулот таннаҳини ҳисоблаш учун маълумотларни бухгалтерия ҳисоби счётида шакллантириш бўйича берилган юқоридаги таклиф ва тавсиялар экспорт операциялари харажатлари ҳисобини бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришни таъминлайди.

2.3. Импорт операциялари ҳисобини ташкил қилиниши

Бозор муносабатларининг тобора чуқурлашуви импорт операцияларининг мазмунан ва таркибан ривожланиб боришини таъминламоғда. Бу, ўз навбатида импорт операциялари харажатлари ҳисобини такомиллаштириш заруриятини вужудга келтиради.

Бугунги кунга қадар бу борада талайгина ишлар амалга оширилган., хусусан, товар-моддий захиралар бўйича бухгалтерия ҳисобининг миллий андозалари яратилиб, уларнинг импортида бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш бўйича йўриқномалар, тушунтиришлар ишлаб чиқилди ва бу ишлар давом эттирилмоқда. Жумладан, халқаро андозалар асосида ишлаб чиқилган бухгалтерия ҳисоби янги счётлар режаси (21-сонли БХМС) ва «Чет эл валютасидан активлар ва мажбуриятлар тўлови» (22-сонли БХМС)нинг қабул қилиниши ҳамда уларнинг фаолияти қўллана бошланиши ҳам бу борадаги муҳим қоидалардан бири бўлди.

Шу билан бирга, ҳали бу соҳада қилиниши керак бўлган ишлар анчагина. Бу, ўз навбатида, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналарда импорт операциялари ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш заруриятини вужудга келтиради. Маълумки, импорт операциялари асосан чет эл валютасида ўтказилади. Шунингдек, у тўлов шакллари ва етказиб бериш шартларининг мураккаблиги, валюта ва божхона назоратининг объекти эканлиги ва бошқа шу каби операциялардан ажралиб туради. Бинобарин, импорт операциялари ҳисобини ташкил қилишда унинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш ва ўз ўрнида импорт

операциялари ҳисоби корхона бухгалтерия ҳисобининг алоҳида соҳаси сифатида қаралиши мақсадга мувофиқдир.

Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналарда импорт операцияларини амалга ошириш жараёнида бажариладиган вазифаларнинг ташкилий тузилмалар ўртасида чегараланмаганлиги натижасида бухгалтерия ҳисоби ўзига юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажара олмапти. Фикримизча, ушбу соҳани самарали бошқариш жараёнида муаммолар бўлмаслиги учун корхонанинг ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш жараёнидаги вазифаларни тегишли бўлимлар ўртасида аниқ ва тўлиқ тақсимлаш зарур. Ушбу муаммони қуйидагича ҳал этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолият бўлимига хорижий ҳамкорлар билан тузиладиган шартномаларни тайёрлаш, тузиш, расмийлаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш вазифасини юклатиш лозим;

- хорижий ҳамкорлар билан ишлаш бўлими шартномада белгиланган моддий қийматликларни етказиб бериш муддатларга риоя қилиши, олиб келинаётган товарлар сифати ва уларнинг харажатлари устидан доимий назоратни амалга ошириши зарур;

- бухгалтерия импорт қилинган моддий қийматликларнинг келиб тушиши, сақланиши, шунингдек, импорт товарлари, рекламация ва даъволар бўйича хорижлик мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириши, ички ва ташқи ҳисоботларни тузиш ва топшириш вазифаларини бажариши лозим;

- молия бўлими эса, корхонанинг молия ресурсларидан самарали фойдаланиши устидан назорат ўрнатиши зарур бўлади.⁸

Бухгалтерия бўлими ўз вазифасини муваффақиятли бажариши учун импорт операциялари бўйича ҳужжатлар айланишини ишлаб чиқиш ва уни

⁸ Искандаров Д. «Бозор, пул ва кредит» журнали, № 12. 2005 йил

ҳисоб сиёсатида расмийлаштириши лозим. Таъминот бўлимида ҳар бир буюртма алоҳида хорижий фирмалар билан тузилган шартнома санаси ва тартиб рақами кўрсатилган ҳамда қайдномалар берилиши лозим. Сунгра ҳар бир буюртма бўйича оператив ҳисоб варақа (қайднома)си тузиш зарур. Ушбу қайднома шартнома шартларининг бажарилиши, хусусан, товарларни етказиб бериш шартларига риоя қилишни назорат қилиш имконини беради. Хисобиот оyi охирида хорижий ҳамкорлар билан ишлар бўлими бирламчи, ҳужжатлар асосида ҳисобот тузишлари ва топширишлари лозим. Бухгалтерияда тузиладиган ҳисоботлар ҳужжатлар асосида текширилади ва шундан сўнг бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилиши зарур.

Импорт товарлар келиб тушганда уни махсус комиссия қабул қилиб олиши лозим. Бунда комиссия аъзолари моддий қийматликларнинг шартномада белгиланган шартномаларга мос келиши, бутлиги, миқдори, сифати ва бошқа кўрсаткичларни текшириши, шундан сўнг, қабул қилинган товарлар бўйича тузилган ҳужжатлар белгиланган тартибда ҳужжатлар айланишида белгиланган қайдлар асосида расмийлаштириши лозим. Импорт товарлари оморга қабул қилинаётганда «импорт» белгиси билан сақлаш жойларида моддий жавобгар шахслар бўйича ҳисобга олиниши шарт.

Фикримизча, импорт операциялари ҳисобни тўғри ташкил қилиш учун энг аввало, уларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар таркибини ўрганиш ва гуруҳлаш лозим бўлади. Шундан сўнг, ушбу харажатларни амалга оширилган операциялар билан боғлиқлигини эътиборга олган ҳолда, импорт қилинган материал, товар, асосий восита, номоддий актив, асбоб-ускуна ва бошқа товар-моддий захиралар қийматига олиб борилади.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган импорт операцияларини амалга оширишга ихтисослашган корхоналарнинг амалиётини ўрганиш, товар-моддий захираларни хорижлик мол етказувчилардан олиб, харидор оморига етказиб келгунича қилинган харажатлар қуйидагилардан иборат бўлишини кўрсатади:

1. Тайёрлов харажатлари.
2. Ташиш харажатлари.
3. Суғурта харажатлари.
4. Товарларни вақтинчалик сақлаш харажатлари.
5. Божхона тўловлари.
6. Бошқа харажатлар.⁹

Тайёрлов харажатлари хорижлик мол юборувчилардан харид қилинадиган асосий воситалар, номоддий активлар, ўрнатиладиган асбоб-ускуналар ва товар-моддий захиралари сотиб олиш учун қилинадиган қўйидаги харажатлардан ташкил топади:

- бозорни ўрганиш харажатлари;
- чет эл хизмат сафари харажатлари;
- сотиб олинидиган моддий қийматликларин мамлакатга жўнатиш учун тайёрлаш харажатлари;
- тайёрлов жараёнини амалга ошириш учун хорижий корхоналар хизматидан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа харажатлар.

Экспорт қилувчи ва импорт қилувчи ўртасида тузилган шартномага асосан, харид қилинган моддий қийматликларни харидор омборигача етказиб келиш билан боғлиқ харажатларга ташиш харажатлари деб аталади. Улар қўйидаги харажатлардан ташкил топади:

- экспорт қилувчи мамлакат бўйича ташиш харажатлари;
- экспорт қилувчи ва импорт қилувчи оралиғидаги мамлакатлар ҳудудлари бўйича ташиш харажатлари;
- импорт қилувчи мамлакатдаги ташиш харажатлари;

Ташиш харажатлари бир маҳсулотга тегишли бўлса, улар ўртасида тақсимланади.

Суғурта харажатларининг ким томонидан тўланишидан қатъий назар, у харид қилинган мулк ва товар-моддий захиралар қийматига қўшилади. Су-

⁹ Искандаров Д. Импорт операциялари ҳисоби. «Бозор, пул ва кредит» журнали, №12. 2005 йил.

гурта харажатларини харид қилинган ҳар бир моддий қийматликларга тақсимлаш имкорнияти мавжуд.

Товарни вақтинчалик сақлаш харажатлари харид қилинган моддий қийматликларни бир транспортдан иккинчисига юклаш пайтида терминал ва омборхоналарда импорт қилинган товарларни сақлаш билан боғлиқ тўловлар натижасида вужудга келади.

Божхона тўловларини импорт операциясини амалга ошириш жараёнида экспорт қилувчи ва импорт қилувчи мамлакатлар божхона идораларида божхона расмийлаштируви учун тўланадиган харажатлардир.

Божхона тўловларининг қуйидаги турлари мавжуд:

- божхона божи;
- қўшилган қиймат солиғи;
- акциз солиғи;
- божхона расмийлаштируви учун йиғимлар;
- товарларнинг божхона омборида сақланганлиги учун йиғимлар;
- товарларнинг божхона кузатувчи олганлиги учун тўлов;
- дастлабки қарор қабул қилинганлиги учун тўлов.

Бошқа харажатлар таркибига юқорида ҳисобга олинмаган импоррт операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар киради. Масалан, унда юклаш-тушириш жараёнида вужудга келадиган кутилмаган воқеа ва ҳодисалар натижасида сарфланадиган харажатлар ва бошқа шунга ўхшаш харажатлар ўз аксини топади.

Албатта, юқорида келтирилган импорт операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар таркиби иқтисодий мазмуни жиҳатидан бошқачароқ бўлиши ҳам мумкин. Бу бевосита импорт операцияларини амалга ошириш жараёнида харажатларнинг юқоридаги таркиби сақларниб қолади.

Импорт операциялари бўйича харажатлар ҳисобини ташкил қилишдан кўзланган асосий мақсад, ушбу операциялар натижасида вужудга келадиган харажатларни тўғри ва аниқ ҳисобга олиш, шунингдек, уларни самарали

бошқариш учун зарур маълумотлар тўпламини вужудга келтиришдан иборат.

Аммо, бунинг учун, энг аввало,бухгалтерия ҳисобининг амалдаги счётлар режасидаги моддий қийматликларни тайёрлаш ва харид қилиш харажатларини ҳисобга олувчи счётларнинг тузилишини ва уларнинг ўзаро боғланишини тубдан ўзгартириши лозим. Корхоналарнинг импорт операцияларига оид харажатларини умумлаштириш учун бухгалтерия ҳисобининг счётлар режасида «Корхонанинг импорт операцияларига оид харажатлари» синтетик счётини очиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу счётда импорт операцияларининг алоҳида гуруҳлари учун иккинчи тартибли счётлар ва уларнинг ҳар бир тури учун эса, учинчи тартибли счётлар очиш лозим. Чунки бухгалтерия ҳисоби счётларининг бундай тузилмаси импорт операциялари харажатлари тўғрисидаги маълумотларни корхона бўйича ҳамда унинг гуруҳлари ва турлари бўйича шакллантириш имконини беради.

Фикримизча, «Корхонанинг импорт операцияларига оид харажатлари» счётини бухгалтерия ҳисобининг счётлар режасида бўш турган 1700 счётини белгилаш ва уни «1700 - Корхонанинг импорт операцияларига оид харажатларини ҳисобга олувчи счётлар» деб номлаш мақсадга мувофиқдир. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ушбу счётда ҳар бир гуруҳ учун алоҳида счётлар очилади:

- 1710- Асосий воситаларни импорт қилиш харажатлари;
- 1720- Номоддий активларни импорт қилиш харажатлари;
- 1730- Асбоб-ускуналарни импорт қилиш харажатлари;
- 1740- Товарларни импорт қилиш харажатлари;
- 1750- Хом ашёни импорт қилиш харажатлари;
- 1760- Материалларни импорт қилиш харажатлари.

Шу билан бирга, ҳар бир гуруҳга кирувчи операцияларнинг турлари учун алоҳида счётлар очилади. Ушбу счётларни очишда хорижий мол юбрувчи билан тузилган шартномаларга асосланиш зарур. Чунки бу счётлар учинчи тартибли счётлар бўлиб, у аналитик счёт вазифасини бажаради.

Импорт операцияларини амалга ошириш жараёнида шундай харажатлар вужудга келадики, бу харажатларни бевосита у ёки бу операция харажатига киритиш имконияти мавжуд эмас. Бу харажатлар импорт операцияларини ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлардир.

«Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш ҳақида»ги Низомда ва бошқа меъёрий ҳужжатларда товарлар ва маҳсулотлар сотиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш тартиби белгилаб қўйилган. Аммо импорт операцияларини ташкил қилиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш тартиби белгиланмаганлиги сабабли ушбу харажатлар ҳозирги кунда давр харажатлари, уммумишлаб чиқариш ва бошқа харажатлар таркибида ҳисобга олинмоқда.

Фикримизча, импорт операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ умумий харажатларни давр харажатлари таркибида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Аммо уларни 2410- «Сотиш харажатлари» ва 2420- «Маъмурий харажатлар» счётларида эмас, 2450- «Импорт операциялари харажатлари» счётида ҳисобга олиш лозим. Хориждан харид қилинган товар-моддий қийматликлар а уларни тайёрлаш ҳамда олиб келиш харажатларини ҳисобга олиш уларнинг корхонга қанчага тушаётганлиги тўғрисидаги маълумотларни шакллантиришдан иборат. Аммо, ушбу маълумотларни олиш учун таклиф қилинаётган 1700- «Корхонанинг импорт операцияларига оид харажатлари» счёти тўла маълумот беролмайди. товар-моддий қийматликларни тайёрлаш, сотиб олиш ва олиб келиш билан боғлиқ барча харажатлар тўғрисида маълумотларга эга бўлиш учун товар-моддий қийматликларнинг сотиб олиш қийматига уларнинг ҳар бирига тегишли тайёрлаш ва сотиб олиш харажатларини қўшиш зарур. Аммо 1700- «Корхонанинг импорт операцияларига оид харажатлари» ва 1500- «Моддий қийматликларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётларини иккинчи ва учинчи тартибли счётларнинг номла-ниши бир-бирига мос келиши лозим. Хориждан харид қилинган товар-

моддий захиралар корхонанинг тегишли бўлимларига қабул қилинганда 1700 ва 1500- счётларнинг бир-бирига мос учинчи тартибли счётлардаги маълумотлар 0800- «Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи», 0700- «Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи», 1000- «Материалларни ҳисобга олувчи», 2900- «Товарларни ҳисобга олувчи» счётларида товар-моддий захираларнинг ҳар бир тури ва гуруҳига очилган учинчи тартибли счётларга киритиш лозим ҳамда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан расмийлаштирилади:

Д-т 0700, 0800, 1000 ва 2900 счётларининг тегишли учинчи тартибли счётлари;

К-т 1500 ва 1700 счётларининг тегишли учинчи тартибли счётлари.

Ушбу бухгалтерия ўтказмаси натижасида 0700, 0800, 1000 ва 2900 счётларининг тегишли учинчи тартибли счётларида хориждан сотиб олинган бир турдаги ва гуруҳдаги товар-моддий захиралар ва уларнинг таннарини ҳисоблаш учун зарур маълумотлар шакллантирилади. Учинчи тартибли счётларнинг дебет суммаси бир турдаги ва гуруҳдаги товар-моддий захираларининг ҳар бир тури ва гуруҳларининг миқдorigа бўлиш билан уларнинг таннари аниқланади.

2-БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисобида импорт операциялари харажатлари ҳисоби ва харид қилинган товар-моддий захираларининг таннарини ҳисоблаш учун маълумоларни шакллантириш бўйича берилган таклиф ва тавсиялар келгусида корхонанинг самарали бошқарилиши учун зарур маълумотлар тўплашда айти муддаодир.

Импорт операцияларининг аналитик счётига алоҳида гуруҳларнинг турлари бўйича юритилганлиги ва улар тўғрисида кенг қамровли маълумот бериши учун харажат моддаларини ҳам белгилаш лозим. Харажат моддаларини белгилашда импорт операцияларининг иқтисодий мазмунидан ва опе-

рацияни амалга ошириш технологиясидан келиб чиққан ҳолда бир хил операция учун турли хил харажатлар сарфланиши мумкин. Агар ўрнатиладиган асбоб-ускуналар бевосита хорижлик мол юборувчиларнинг омборидан қабул қилинса, импорт операциялари харажатлари, юклаш, суғурталаш, ташиш, йа вақтинчалик сақлаш, қайта юклаш, солиқлар, йиғимлар ва шу кабилардан иборат бўлиши мумкин. Аксинча, асбоб-ускуналар мамлакат чега-расигача мол юборувчи томонидан олиб келинса, харажатлар ҳажми ва таркиби анчага қисқаради. Фикримизча, импорт операциялари суғурталаш харажатлари номенклатурасини белгилашда амалга оширилаётган операциянинг иқтисодий мазмуни ва технологияси ҳамда бошқарув аппаратининг маълумотларга бўлган талабидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

3- боб. Экспорт-импорт операцияларини суғурталаш ҳисобини ташкил этиш ва такомиллаштиришнинг асослари

3.1. Экспорт-импорт операцияларини суғурталашнинг аҳамияти ва шартлари

Юридик шахсларнинг ўз мулки ёки бошқа манфаатларини ихтиёрий суғурта қилиш билан боғлиқ харажатлари даромад (фойда) солиғи базасидан чиқарилади. Шу ерда алоҳида таъкидлаш керакки, 2002 йилнинг бошларига қадар корхона ва ташкилотлар ўз мол-мулкани ихтиёрий суғурта қилиш бўйича тўлаган суғурта мукофотлари солиққа тортиладиган базага киритилар эди. Бу ҳолат уларни ихтиёрий суғуртага бўлган манфаатдорлигини янада пасайтирар эди. Мамлакатимиздаги мавжуд юридик шахсларнинг анчагина қисми суғурта ҳимоясига олинмаганлигининг омилларидан бири ҳам ана шунда десак, асло муболаға бўлмайди. Суғурта мустақиллик йилларида Ўзбекистонда янги босқичга кўтарилди. Агар, ўша собиқ совет даврида мамлакат ичкарисидagi барча суғурта ишлари фақат «Госстрах» деб аталмиш давлат суғурта органлари томонидан амалга оширилган бўлса, 2012 йилнинг 1 апрель ҳолатига мамлакат суғурта бозорида 37 та суғурта ташкилоти 200 дан ортиқ суғурта хизматларини кўрсатишмоқда.

Экспорт шартномаларини суғурталашга қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

- тўловни кечиктириш шартларида амалга оширилаётган ҳамда биринчи даражали банкларнинг тўлов мажбуриятлари билан таъминланмаган экспорт контрактлари сиёсий ва тижорат таваккалчиликлардан суғурта қилиш иловага мувофиқ тартибга биноан амалга оширилади.

- Тўлов кечиктирилишни назарда тутувчи экспорт контрактлар бўйича сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта қопламаси Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган экспорт қилувчилар ва тижорат банкларига суғурта ташкилотлари томонидаи берилади.

- Экспорт юк ташишларини суғурта қилиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва «Инкотермс» халқаро қоидаларига мувофиқ суғурта қилиш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари томонидан амалга оширилади.

Экспорт контрактларини суғурта қилиш, шунингдек сармоя, товарлар ва хизматлар халқаро бозорларида давлатнинг ва миллий экспорт қилувчиларнинг манфаатларини сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан ҳимоя қилиш мақсадида экспорт контрактлари бўйича тижорат банкларининг кредитларига суғурта қопламаси беришни назарда тутди. Суғурта қопламаси Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган экспорт қилувчиларга (кейинги ўринларда «экспорт қилувчи» деб аталади) ва Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган тижорат банкларига фақат келиб чиққан мамлакати Ўзбекистон бўлган маҳсулотларни экспорт қилиш (лизинг ҳам шу жумлага кирази) билан боғлиқ операциялар бўйича берилади. Экспорт контрактлари экспорт суғуртасининг халқаро нормаларига мувофиқ суғурта ташкилотлари томонидан суғурта қилинади. Тижорат ташкилотлари ҳисобланган ва суғурта қилиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахслар суғурта ташкилотлари сифатида эътироф этилади.

Экспорт контрактлари бажарилиши билан боғлиқ сиёсий таваккалчиликларга қуйидагилар кирази:


- импорт ёки экспортга эмбарго жорий қилиш;
- хорижий ҳамкор мамлакатадаги эълон қилинган ёки эълон қилинмаган урушлар, фуқаролар ғалаёнлари, инқилоблар, террористик ҳаракатлар, саботаж;
- хорижий ҳамкор мамлакати ҳукуматининг тузилган контракт шартлари умуман ёки унинг қисмлари бажарилишига тўсқинлик қилувчи ҳаттиҳаракатлари, шу жумладан Ўзбекистонга нисбатан камситувчи тусдаги янги қонун ҳужжатлари жорий этилиши;
- хорижий ҳамкор мамлакатада конвертация қилинадиган валюта етиш-

маслиги туфайли трансферт кечиктирилиши, Ўзбекистон билан хорижий ҳамкор мамлакати ўртасидаги тўловларни чеклаб қўювчи хорижий ҳамкор мамлакатининг Ўзбекистонга ташқи арзига хизмат кўрсатишга мораторий эълон қилиниши.

Инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши билан боғлиқ сиёсий таваккалчиликларга қуйидагилар киради:

- мулкнинг экспроприация қилиниши, шунингдек хорижий ҳамкор мамлакатада қабул қилинган мулк ёки улардан олинadиган даромад устидан назорат қилиш йўқолишига олиб келадиган ҳар қандай онун ҳужжатлари ёки маъмурий чоралар, хорижий ҳамкор мамлакати ҳукумати томонидан ўз ҳудудида иқтисодий фаолиятни тартибга солиш мақсадида жорий этиладиган умумий қўлланиладиган камситмайдиган тусдаги чоралардан ташқари;

- хорижий ҳамкор мамлакатадаги эълон қилинган ёки эълон қилинмаган урушлар, фуқаролар ғалаёнлари, инқилоблар, террористик ҳаракатлар, саботаж.



5-расм. “Ўзбекинвест” ЭИМСК томонидан тўпланган суғурта мукофотлари динамикаси¹⁰

Тижорат рисклари. Бу - хорижий ҳамкорнинг молиявий-иқтисодий

¹⁰ “Ўзбекинвест” ЭИМСКнинг ҳисобот маълумотлари.

аҳволи билан бевосита боғлиқ бўлган ҳамда унинг исбот қилинган тўловга кодир эмаслиги ёки банкротлиги билан ва контракт бўйича унинг томонидан қабул қилинган молиявий мажбуриятлар бажарилиши мумкин эмаслиги билан ифодаланади.

Сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта қилиш.

Банк кредитларини жалб қилмасдан тўловни тўлиқ (ёки қисман) кечиктириш шартларида амалга ошириладиган экспорт контракт бўйича суғурта қопламаси олиш учун экспорт қилувчи суғурта ташкилотига:

ариза - сўровнома;

экспорт контрактининг асл нусхасини ва нусхасини;

экспорт контрактини қўллаб-қувватлаш учун хорижий харидорнинг кафили томонидан суғурта ташкилоти ёки экспорт қилувчи фойдасига берилган қарши кафолат (аксилкафолат)ни;

экспорт контракти қийматининг камида 15 фоизи миқдорида аванс тўлови олинганлиги тўғрисида банкнинг (экспорт қилувчининг ваколатли банкининг) маълумотномаси нусхасини тақдим этади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган контрактлар кўриб чиқиш учун қабул қилинади. Берилган суғурта қопламаси суғурта ташкилоти томонидан тасдиқланган стандарт полис кўринишида расмийлаштирилади. Суғурта ҳақини тўлаш шартлари суғурталанувчи билан суғурта ташкилоти ўртасида тузиладиган яқка тартибдаги битимда қайд этилади. Суғурта ташкилотининг суғурта полиси бўйича мажбуриятлари суғурта ҳақи унинг жорий счётига тушган кундан бошлаб кучга киради. Суғурта товони тўлаш тўғрисидаги қарор эътирозни ўрганиш ҳамда суғурта воқеасини ва унинг сабабини ҳамда етказилган зарар миқдорини тасдиқловчи белгиланган тартибда расмийлаштирилган хулоса асосида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган тижорат банклари ва (ёки) экспорт қилувчилар томонидан экспортга кредит беришнинг халқаро

амалиётига мувофиқ шартларда ва муддатларга бериладиган кредитлар суғурта билан таъминланади, хусусан:

- хорижий ҳамкор (харидор) томонидан контракт қийматининг камида 15 фоизи миқдоридаги аванс тўлови тўланганида, башарти кредит бир йилдан ортиқ даврга берилса;


- кредитдан фойдаланишнинг 5 йилгача (имтиёзли давр чиқариб ташланган ҳолда бўлган, товарлариинг айрим турлари бўйича 12 йилгача бўлган энг кўп муддатида рия қилинганда;

- экспорт контракти бажарилгандан кейин кредит бўйича асосий қарз кредитнинг тўланмаган суммасига қўшилган фоизлар билан бир вақтда тўланган ҳолда камида ҳар олти ойда изчил тенг тўловларда қайтарилганда. Экспорт ва кредит талабларига ён босиш фақат суғурта ташкилоти билан ёзма келишувга кўра қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин. Компенсация ёки қарши битишув тузилган тақдирда экспорт ва импорт контрактлари мутлақо бир-биридан ажратилиши ва бир-бирига боғлиқ бўлмаслиги керак. Тижорат банкларининг экспорт қилувчиларга тўловни кечиктириш билан боғлиқ бўлмаган контрактлар учун бериладиган кредитлари суғурта қилинмайди.

Тижорат банкларининг экспорт контрактлари бўйича кредитлари маҳсулот етказиб берувчининг кредити ва харидорга бериладиган кредит сифатида берилиши мумкин. Маҳсулот етказиб берувчининг кредити - кредит экспорт қилувчи томонидан етказиб берилган технология, товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўловни кечиктириш кўринишида харидорга берилади. Экспорт қилувчи суғурталанувчи, экспорт қилувчи ва (ёки) Ўзбекистон Республикасининг ваколатли тижорат банки бенефициар (наф кўрувчи) бўлади.

Суғурта воқеаси юз берган тақдирда:

- а) экспорт қилувчи ёки ваколатли тижорат банки суғурта воқеаси юз берганлиги тўғрисида суғурта ташкилотини хабардор қилади;



6-расм. “Ўзбекинвест” ЭИМСК томонидан тўланган суғурта қопламалари динамикаси¹¹

б) экспорт қилувчи ёки ваколатли тижорат банки суғурта ташкилотига зарарлар бўйича регресс ҳуқуқига кўра талабнома беради;

в) суғурта ташкилоти эътирозни ўрганиб чиқади ва суғурта товони тўлаш ёки уни беришни рад этиш ҳақида асосланган қарор қабул қилади;

г) харидорнинг кафили ёки хорижий харидор контракт бўйича арзни суғурта ташкилоти фойдасига тўлайди.

«Харидорга бериладиган кредит» - кредит амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган тижорат банки томонидан, кредитни кейинчалик хорижий харидорга қайта молиялаш учун хорижий харидор банкига ёхуд экспорт контракти ҳақини тўлаш учун тўғридан-тўғри хорижий харидорга берилади. Ўзбекистон Республикаси резиденти - ваколатли тижорат банки суғурталанувчи бўлади. Суғурта қопламаси бериш қуйидаги изчилликда амалга оширилади: экспорт қилувчи билан хорижий харидор ўртасида маҳсулот етказиб беришга экспорт контракти шартларининг келишилиши; ваколатли тижорат банки билан хорижий харидор ёки хорижий харидор банки ўртасида кредит битими лойиҳасининг келишилиши; экспорт контрактига суғурта қопламаси олиш

¹¹ “Ўзбекинвест” ЭИМСКнинг ҳисобот маълумотлари.

учун ваколатли тижорат банки номидан суғурта ташкилотига ариза берилиши; аризанинг суғурта ташкилотида кўриб чиқилиши ва суғурта копламасини маъқуллаш (рад этиш) тўғрисидаги хулоса асосида қарор қабул қилиш; Ўзбекистонлик экспорт қилувчи билан хорижий харидор ўртасида экспорт контракти имзоланиши; Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган ваколатли тижорат банки билан хорижий харидор банки ёки хорижий харидор ўртасида кредит битими имзоланиши; суғурта ташкилотига хорижий харидор ҳукуматининг ёки хорижий банкнинг қафолати тақдим этилиши; ваколатли тижорат банки билан суғурта ташкилоти ўртасида суғурта шартномаси тузилиши; ваколатли тижорат банки томонидан суғурта мукофотининг тўланиши, суғурта ташкилоти томонидан экспорт кредити копламасининг берилиши; экспорт контракти шартларига мувофиқ экспорт қилувчига хорижий харидор томонидан 15 фоиз аванс тўловининг тўланиши; ваколатли тижорат банки томонидан маблағ билан таъминлаш бошланиши; экспорт контракти шартларига мувофиқ экспорт қилувчи томонидан маҳсулот етказиб берилиши; хорижий харидор (банк) томонидан ваколатли тижорат банкига кредитнинг тўланиши;

Суғурта воқеаси юз берган тақдирда:

а) ваколатли тижорат банки томонидан суғурта ташкилотининг суғурта воқеаси юз берганлиги тўғрисида хабардор қилиниши;

б) ваколатли тижорат банки суғурта ташкилотига зарарлар бўйича регресс ҳуқуқига кўра талабнома беради;

в) суғурта ташкилоти томонидан эътирознинг ўрганиб чиқилиши ва суғурта товони тўлаш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида асосланган қарор қабул қилинишини;

г) харидор қафили ёки хорижий харидор томонидан суғурта ташкилотига қарзларнинг тўланиши.

Рискларни қоплаш суғурта ташкилоти томонидан сўмларда ёки ҳар қандай эркин алмаштириладиган валютада амалга оширилади. Суғурта

тўлови тузилган суғурта шартномасига биноан сўмларда ёки эркин алмаштириладиган валютада тўланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси резидентлари хорижий валютадаги суғурта тўловларини суғурта ташкилотлари томонидан хорижий банкларда очилган жорий счётларга тўлашлари мумкин. Суғурта тўловини тўлаш харажатлари экспорт контрактининг қийматига киритилади. Зарар етказилган тақдирда товон суғурта ташкилоти томонидан суғурта тўлови тўланган валютада амалга оширилади.

Суғурта тўлови миллий валютада тўланганда товон суғурта шартномасида кўрсатилган хорижий валютанинг тўлов кундаги расмий курс бўйича тўланади.

Суғурта қопламаси бўйича суғурта товони:

а) уруш, инқилоблар ёки фуқароларнинг ғалаёнлари бўлган ҳолларда асосий сармояга тўғридан-тўғри зиён етказилгани исботланганда ёки хорижий ҳамкор 10 ой мажбуран бекор турган тақдирда;

б) мулк экспроприация қилинган тақдирда ҳодиса юз берган санадан 10 ойдан кейин;

в) маъмурлар томонидан пул ўтказишга чеклашлар жорий этилганда 6 ой мобайнида валютани репатриация қилишнинг имконияти бўлмаган тақдирда;

г) контракт муносабатларига хорижий ҳамкор маъмурлари аралашган тақдирда маъмурлар аралашуви юридик тан олинган санадан бошлаб 3 ой ўтгандан кейин;

д) Ўзбекистонлик инвесторларга нисбатан камситувчи тусга эга бўлган янги қонун-қоидалар жорий этилган тақдирда жорий этилган янги қонун-қоидаларнинг камситувчи тусдалиги халқаро эътироф этилган санадан бошлаб 3 ойдан кейин;

е) хорижий харидордан ва хорижий харидор банкидан белгиланган тўлов кунидан бошлаб 3 ой ўтгандан кейин кутилаётган тўловлар олинмаган тақдирда;

ж) хорижий харидор ва (ёки) хорижий харидор банки банкротликка учраган тақдирда уларнинг банкротлиги эътироф этилганлигининг исботи тақдим этилгандан кейин 30 кун мобайнида тўланади.

Суғурта шартномаларида суғурта товони тўлашнинг бошқа муддатлари белгиланиши мумкин.


Хулоса қилиб таъкидлаганда, экспорт контрактлари бўйича хўжалик юритувчи субъектлар ва банкларнинг мажбуриятларини ўз вақтида бажарилиши ҳисобланади. Бунда сиёсий рисклардан суғурта қилиш муҳим аҳамият касб этади.

3.2. Ташқи иқтисодий фаолиятда юкларни суғурталашни такомиллаштиришнинг асосий шартлари

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон дунёдаги кўпгина мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди ва жаҳон иқтисодий интеграциясига борган сари фаолроқ жалб қилинмоқда, ривожланган давлатлар билан ўзининг хўжалик алоқаларини кенгайтирмоқда, ўзаро фойдали савдо-иқтисодий қелишувлар тузмоқда.

Бундай қелишувлар натижасида 1936 йилда халқаро савдо палатаси «International Chamber of Commerce - ICC» товар етказиб беришнинг тижорат шартларини шароити ш халқаро қоидаларининг мажмуи белгиланган ҳужжатни ишлаб чиқди. Ушбу шартлар ИНКОТЕРМС - 1936 деган ном билан шуҳрат қозонди. 1990 йилда ана шу қоидаларига, уларни шаклланган халқаро савдо амалиётига мувофиқлаштириш мақсадида ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

ИНКОТЕРМС - 1990 халқаро савдо палатаси (Байналминал халқаро савдо тижорат шартлари) ишлаб чиққан ҳужжат бўлиб, унда товар етказиб бериш тижорат шартларининг шарҳланган халқаро қоидалари мажмуи белгилаб берилган. Товар етказиб бериш шартларини ИНКОТЕРМС – 2000 га биноан акс эттириш Ўзбекистон Республикасида тузшадиган контрактларга қўйиладиган асосий талаблардан биридир.



7-расм. “Ўзбекинвест” ЭИМСКда экспорт ва импорт қилинаётган юкларни суғурталаш динамикаси (млрд.сўм)¹²

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, халқаро савдо йўналишида аксарият юкларни жўнатишда қўлланиладиган усуллар CIF ва СТРдан иборат. Бу усуллар билан товарларни экспорт-импорт қилишда сотувчи ижобий келишувлар асосида товарни суғурта компаниялари орқали суғурталашга мажбур. GIF ва СІР шarti бўйича сотувчи юк суғуртасини албатта, таъминлаши шарт. Харидор эса ташиш жараенини товарнинг йўқолиши ва шикастланиши билан боглик хавф учун масъулдир. Сотувчи суғурта шартномасини тузади ва суғурта мукофотини тўлайди.

Харидорнинг СІР етказиб бериш шартига кўра сотувчи экспорт учун товарни божхонада холи қилишни таъминлаши керак. СІР етказиб бериш шarti бўйича транспортнинг ҳар қандай туридан фойдаланилиши мумкин.

Халқаро савдо тижорат йўналишда қабул қилинган қоидалар барча йўналишлар бўйича суғурта шартномаларини тузишни тақозо этади. Суғурта ҳодисалари рўй бериши натижасида юзага келадиган харажатларни энг кам шкалага келтириш учун турли йўналишлар бўйича шартномалар олиб борилади.

¹² “Ўзбекинвест” ЭИМСКнинг ҳисобот маълумотлари.

Бунга қуйидаги мисолларни келтиришимиз мумкин. Лондон суғурта институтининг юкларни суғурталаш тамойилига кўра (юклар халокати бундан мустасно) халқаро йўналишда фаолият олиб бораётган суғурта компаниялари суғурта жавобгарлигини ўз зиммасига олади. Халқаро савдо йўналишидаги келишувларда Лондон суғурта институти томонидан ишлаб чиқилган «А», «В» ва «С» тамойиллардан юкларни суғурталашда кенг фойдаланилади.

Халқаро йўналишларда товарлар(ишлар, хизматлар)ни суғурталашни Ўзбекистон Республикасида «Ўзбекинвест» ЭИМСКси амалга оширади.

«Ўзбекинвест» компанияси 1997 йил февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорига биноан экспорт кредитларини суғурталаш бўйича давлат агентлиги вазифаларини бажаришга киришди.

Экспорт суғуртаси компания фаолиятининг асосий турларидан бири ҳисобланиб, хорижий бозорларда миллий экспортчиларнинг сиёсий ва тижорат рискларидан суғуртавий ҳимоялашни назарда тутди.

Маълумки, кафолат билан ёки аккредитив билан маҳсулотни етказиб беришга нисбатан муқобил шакл сифатида экспорт шартномаларини суғурталаш полисининг мавжудлиги экспортчиларга хорижий харидорнинг тўлов шартларини бажаришга ишонч ва пулни кейинчалик тўлаб бериш шarti билан маҳсулотни тушириш имкониятини беради.

Халқаро ва ички юкларни ташишда юкларнинг суғуртаси кўп ҳолларда, олди-сотди шартлари суғурталовчи ёки суғурталанувчининг суғурта шартномаси таркибвда бўлади. Шартномада асосан, суғурта шартномасини тузишда мажбуриятни қайси томон олиши, сотувчи ёки харидор ва ташувчининг суғурта жавобгарлиги қандай миқдорда бўлиши ҳам кўрсатилади. Суғурта амалиётида юкларнинг суғурта шартномалари қуйидагиларга асосан амалга оширилади:

- барча рисклар учун жавобгарлик ҳар қандай сабабга кўра, барча турдаги зарарларнинг суғурта ҳимоясишш англатади;
- хусусий авариялар учун жавобгарликда юкнинг аварияда кўргани зарари

тўла ёки қисман қопланади;

- юк учун жавобгарликда юкларнинг тўла ёки қисман аварияси ҳисобланмай, юкни олиб кетаётган транспорт воситаси аварияга учрагандагина тўланадиган сумма назарда тутилади.

Барча зарарларнинг суғуртавий қопланиши суғурта таърифлари асосида амалга оширилади. Суғурта тарифларини ишлаб чиқишдан асосий мақсад суғурталанувчига тўғри келадиган эҳтимолдаги зарарнинг суммасини аниқлаш кўзда тутилади. Суғурта ходисаси натижасида кўрилган зарарларни қоплашда икки хил усулдан фойдаланилади. Биринчи усулда юк барча рисклардан суғурта қилинади. Шу йўналиш бўйича «Ўзбекинвест» суғурта ҳимоясини Лондон суғурта институти томонидан ишлаб чиқилган юкларни суғурталашда кўрсатилган «А» тамойили бўйича амалга оширади, аммо қуйидаги йўналиш-лар бўйича кўрилган зарарлар суғурта орқали қопланмайди:

- ҳарбий ҳолатлир натижасида, торпедаларнинг урилиши, бомбалар ва бошқа ҳарбий қуроллар оқибатида, қароқчилик ҳужуми, фуқаролар уруши, халқ кўзголони, мусодара қилиш, товарларни йўқ қилиш, товарларнинг ҳарбий ёки фуқаро ҳокимиятлари томонидан йўқ қилинишида;

- атом бомбаси портлаши оқибатидаги зарарлар ёки ҳар қанақа атом энергиясидан фойдаланганлик туфайли кўриладиган зарарлар,

- юкларни ташиш даврида йўл кўйилган хатолар оқибатида кўрилган зарарлар,

- ҳарорат таъсиридан, хавонинг кескин алмашинувидан ёки товар табиий хусусиятининг ўзгаришидан еки товарнинг қуриб қолишидан,

- товарлар қадоқланиш қоидаларининг бузилишидан кўрилган зарарлар;

- юкларнинг ўз-ўзидан портлаши ёки қизиши натижасида ўт чиқиб кетиши оқибатида кўрилган зарарлар;

- юкларнинг халқаро кадокланиш стандартў талабларига мое бўлмаганлиги оқибатида кўрилган зарарлар;

- товарларни хишорат босишидан кўрилган зарарлар ва бошқа холатлар.

Иккинчи усул бўйича суғурта ҳимояси факатгина қайд қилинган турларгагина тааллуқлидир. Бундай суғуртавий ҳимоя белгиланган «В» ва «С» ҳартлар асосида амалга оширилади.

Масалан, агар сотувчи «В» бандита биноан огоҳлантирилган бўлса, келишилган санадан ёки етказиб бериш учун белгиланган муддатнинг тугаши санасигача бўлган жавобгарлик назарда тутилади. Бунда товар мазкур шартноманинг ашёси сифатида тегишли тарзда идентификация қилинади. Юкларни иккинчи ва учинчи вариант бўйича суғурталашда, юкларга бўлган риск ҳодисалари камроқ ҳимоя қилинади. Лондон суғурта институтга қондасига асосан бу қуйидагича таърифланади:

- ёнгин, яшин, бўрон ва бошқа табиий офатлар, кемалариинг йўқ бўлиши ёки бир-бири билан тўқнашиши, ҳавода ўзи учиб юрувчи қағтпик предметларга урилиши, кемалариинг қумга ўтириб қолиши, портлаши, шикастланиши, палубаларини сув ювиб кетиши, кўприкларнинг бузилиши;

- кема ва самолётларнинг бедарак йўқолиб кетиши;

- ортиш ва тушириш давридаги бахтсиз воқеалар содир бўлиши, ҳамда ёқилгиларни қабул қилишдаги содир бўладиган нохуш воқеаларда;

- умумий авария.

Юқорида қайд этилган тамойилларнинг таърифи қуйидагича:

А - суғурта рискларидан ҳимоялаш айрим рискларни инобатга олмаслик шarti билан тузилган шарнома бўлиб, унда юклар барча суғурта рискларидан ҳимояланади. Суғурталарнинг бу тури бўйича суғуртавий ҳимоялаш «Барча суғурта rischi бўйича жавобгарлик» масъулиятини белгилайди.

В - С айрим суғурта рискларшш инобатга олиш шарти билан тузилган шартнома бўлиб, унда юклар шартномада кўрсатилган турлари бўйича ҳимояланади.

В ва С - юкларининг суғуртавий рисклар бўйича ҳимояланиши камроқ бўлади.

Юкларнинг «С» банди бўйича суғурталашнинг асосий йўналиши шундан иборатки, юклар кемаларнинг ҳалокатга учраши билангина зарарланса, у ҳолда суғурта ҳрдисасидан кўрилган зарарнинг бир қисми қопланиши мумкин.

Юкларни суғурталашнинг ўзига хос томонларидан бири шундан иборатки, бунда факат юкларнинг зарар кўрган миқдори қопланади. Бундай суғурталаш факат денгиз транспорт воситаларида қўлланилади.

Шунинг учун барча кема ходимлари суғурта ҳодисаси содир бўлишининг олдини олиш чораларини мукамал равишда қўллашга ҳаракат қилади. Масалан, кема аъзолари кемани ёнғиндан саклаб қолиш мақсадида юкларнинг бир қисмини ташлаб юбориши ёки уни сув билан ўчириши мумкин.

Умумий авариадан ҳосил бўлган зарар ва ҳаражатлар товар ва кема эгаси ўртасида унинг умумий қийматига кўра тенг тақсимланади ва зарар ҳисоблаб чиқилади. Айрим ҳолатларда кўрилган зарарлар тўлиқ ёки қисман аварияга сабабчи бўлган томондан қопланиши мумкин. Бундай жавобгарлик денгиз савдо кодекси талаблари асосида амалга оширилади.

Шунинг учун ҳам товарларни қайси транспорт воситаларида ташилишидан қатъий назар сотувчи ва харидор товарларни экспорт импорт қилиш мақсадида тузилган шартномаларда имкон қадар кам зарарланишни кўзда тутишлари лозим бўлади. Сотувчи ва харидорнинг у ёки бу суғурта вариантини қабул қилишда биргаликда иш кўришлари муҳимдир.

Ҳар икки томон CIF ёки CIP шартлари бўйича товарларни ташишда, мустақил риск қийматини инобатга олган ҳолда амалга оширишлари

мумкин.

Товарларни CIF ёки CIP шарглари бўйича айирбошлашда сотувчи учун алоҳида товарларнинг суғурталаниши кўзда тутилмаган. Чунки, айрим товарларни (кокс, металл, чўян, нефть кабилар) жўнатиш жараёнида ҳеч қандай зарар кўрмасликлари мумкин. Қимматбаҳо машина ускуналари ва асбобларни жўнатишда бунинг аксини кузатиш мумкин. Шунинг учун ҳам томонлар шартномаларни имзолаш пайтида, ўзларига қулай бўлган суғурта вариантыни танлашлари керак бўлади.

Томонларнинг келишувига биноан, айрим турдаги суғурта risks ҳам суғурталаниши мумкин. Масалан, баъзи шартномаларда хдрий ҳолатдан, омма қўзғолонидан ва бошқа riskлардан суғурта қилиш назарда тутилади. Икки томонлама тузилган шартнома шартларининг бажарилишини тўлиқ амалга оширишда суғурта компанияларини танлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Хорижда ва Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда жуда кўп суғурта компаниялари фаолият кўрсатади, аммо экспорт юкларни суғурталашни ҳамма компаниялар ҳам амалга оширавермайди. Ўзбекистонда халқаро савдо юкларини суғурталашни «Ўзбекинвест» ЭИМ-СКси амалга оширмоқда. Бу компаниянинг халқаро бозор йўналишида фаолият кўрсатаётганига 10 йилдан ошди. Тўпланаётган бой тажриба «Ўзбекинвест» компаниясини дунёнинг барча нуқталарида фаолият олиб бориши учун кенг имкониятлар очиб бераётган бўлса, Ўзбекистонда «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши эса компанияни ҳар томонлама ривожлантириш учун ҳуқуқий асос яратиб берди.

1994 йил 13 апрель «Ўзбекинвест» суғурта компанияси ташкил этилганлигининг расмий санаси бўлиб ҳисобланади. Лекин компаниянинг алоҳида ўрни 1997 йилда белгилаб берилиб, Ўзбекистон Рес-публикаси Президентининг фармонида кўра у 60 млн. АҚШ доллари миқдоридаги

низом жамғармаси билан «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси этиб қайта ташкил этилди. Хорижий ин-весторлар ва миллий экспортчиларга инвестицион ва тадбиркорлик фаолиятида юзага келадиган кутилмаган рисклардан ишончли суғурта кафотларини тақдим этиш компаниянинг асосий мақсад ва вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда «Ўзбекинвест» компанияси халқаро амалиётда қўлланиладиган суғурта хизматларнинг деярли барча турларини амалга ошириб келаётган Ўзбекистон суғурта бозоридаги энг йирик компаниялардан бири ҳисобланиб, сезиларли молиявий захираларига, мамлакат ичкарисиди ҳамда хорижда филиаллар ва шўъба корхоналарнинг ривожланган тармоғига, етакчи хорижий суғурта ва қайта суғурталаш компаниялари билан алоқаларга эга кўп тармоқли универсал суғурта комплексини ташкил этмоқда.

Юк ташиш бўйича суғурта жавобгарлиги товарни қабул қилган ва истеъмолчиларга етказиб берган даврни ўз ичига олиб, бунда юкларни йўқотиш ёки қисман зарар кўриш ҳолатларидан ҳимоялайди. Юк ташувчи, жўнатувчи ва қабул қилувчилар ўртасидаги муносабат конвенция (КДПГ 1956 йилда Женевада келишилган ва қабул қилинган) шартларига кўра шартномалар асосида амалга оширилади. Бу ҳужжат ички транспорт йўналиши бўйича Европа Иттифоқи комиссияси ва Бирлашган Миллатлар ташкилоти томонидан кўриб чиқилган.

Юк ташиш бўйича суғурта жавобгарлигининг объекти миллий манфаат мажбуриятидир. Бу мажбурият содир бўлган суғурта ҳодисаси натижасида келиб чиққан йўқотишлар ва маълум миқдорда кўрилган зарарни қоплашга қаратилган.

Юкларнинг суғурта жавобгарлиги фуқароларнинг суғурта жавобгарлигидан фарқ қилиб, у ихтиёрий кўринишга эга. Аммо халқаро автомобил катновида суғуртанинг назарда тутилган турлари ривожланиб бормоқда. Бу эса юк ташувчига қўшимча кафолат имкониятини бермоқда.

Юк ташишни суғурталаш полней ҳар қандай транспорт турида ташиладиган юкка нисбатан суғурта қопламаси қуйидаги шартларда тақдим этилади:

- барча қалтисликлар масъулияти билан («А» қопламаси);
- хусусий авария масъулияти билан («Б» қопламаси);
- халокатга учраш холларидан ташқари зарар бўйича масъулиятсиз («С» қопламаси).

Халқаро юк ташишни амалга оширганда қуйидагиларни назарда тутувчи юк ташувчининг масъулиятини суғурталаш дастури тақдим этилади.

- халқаро СМР Конвенцияси шартлари асосида халқаро авто юк ташувчи парнинг масъулиятини суғурталаш;

- ФИА ТА тизими бўйича халқаро экспедиторларнинг масъулиятини суғурталаш;

- Юк ташувчиларнинг божхона идоралари олдидаги масъулиятини суғурталаш.

Компания ўз фаолиятини қуйидаги икки йўналиш бўйича амалга ошириб келмоқда:

- ташкилотнинг меҳмонлари олдидаги масъулияти;

- маҳсулотни ишлаб чиқарувчинин масъулияти;

- хавфли юк ташувчиларнинг масъулияти;

- учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ёки мулкига зарар етказилганлиги учун фойдаланувчи ташкилотларнинг масъулияти кабиларни суғурталаш. Ушбу турдаги суғурта бўйича суғурта компанияси суғурталанувчининг фаолияти билан боғлиқ равишда учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва мулкига қасддан етказилган зарар билан боғлиқ суғурта ходисалари учун масъулиятни ўз зиммасига олади.

Суғурта амалиётида юк ташиш бўйича шартномалар қуйидагиларга асосан амалга оширилади:

- барча рисклар учун жавобгарлик. Бунда ҳар қандай сабабга кўра, зарарларнинг сугурта ҳимояси тушунилади;

- хусусий авариялар учун жавобгарлик. Бунда юкнинг авариядан кўрган зарари тўла ёки қисман қопланади;

- юк учун жавобгарлик. Бунда юкларнинг тўла ёки қисман аварияси ҳисобланмай, фақат юкни олиб кетаётган транспорт воситаси аварияга учраганда тўланадиган сумма назарда тутилади.

Халқаро талабларга жавоб берувчи ушбу суғурта тури «Ўзбекинвест» ЭИМСКси томонидан миллий суғурта бозорида муваффақиятли жорий этилмоқда.

Юкларни ташишга оид тузилган шартномаларда ҳар уч томон қатнашади. Суғурта шартномасида мажбуриятни қайси томон олиши, сотувчи ёки харидор ва шу билан бир қаторда ташувчининг суғурта жавобгарлиги қандай миқдорда бўлиши ҳам кўрсатилади.

Юк ташишни суғурталаш полиси ҳар қандай транспорт турида ташиладиган юкка суғурта қопламасини қуйидаги шартларда тақдим этади:

- барча қалтислишлар бўйича жавобгарлик («А» қопламаси). Бунда ҳар қандай сабабга кўра зарарларнинг сугуртавий ҳимояси тушунилади.

- хусусий авария бўйича жавобгарлик («Б» қопламаси) бўйича.

- талофатга учраш ҳолларидан ташқари зарар бўйича масъулиятсиз («В» қопламаси)

Халқаро юк ташишларни амалга оширганда, қуйидагиларни назарда тутувчи юк ташувчининг масъулиятини суғурталаш дастури тақдим этилади:

- халқаро СМР Коивенцияси шартлари асосида халқаро авто юк ташувчиларнинг масъулиятни суғурталаш;

- ФИА ТА тизими бўйича халқаро экспедиторларнинг масъулиятини суғурталаш;

- юк ташувчиларнинг божхона идоралари олдидаги масъулиятини
- сугурталаш;

Компания масъулиятни суғурталашда ўз фаолиятини қуйидаги йўналишлар бўйича амалга ошириб келмоқда:

- ташкилотиинг меҳмонлари олдидаги масъулияти;
- маҳсулот ишлаб чиқарувчининг масъулияти,
- хавфли юк ташувчиларнинг масъулияти;

Халқаро юк ташиш шартномасида қуйидаги жавобгарликлар кўзда тутилади: юкларнинг бузилиши билан боғлиқ жавобгарлик; қўрилган зарар бўйича жавобгарлик; хатога йўл қўйганлик учун жавобгарлик; автомашиналарда юк ташувчиларнинг божхона органлари олдидаги жавобгарлиги; учинчи шахс олдидаги жавобгарлик.

Халқаро суғурталашдаги иқтисодий фаолиятда юк ташувчининг фуқаролик жавобгарлигидан ташқари, қуйидаги фуқаролик жавобгарлигининг суғуртаси ҳам қўзғанилади:

- товар ишлаб чиқарувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш;

Корхоналар фуқаролик жавобгарлигининг суғуртаси - ўта хавфли йўналишлар бўйича.

3.3 Экспорт-импорт операцияларини суғурталаш ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари ва такомиллаштириш йўналишлари

2012 йил I январь ҳолатига Ўзбекистон суғурта бозори таркибига қарасак, ҳозирда республикада 37 суғурталовчилар рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатишмоқца, шулардан 4 нафарига суғурта фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия 2011 йилда берилган. Мамлакатимизда суғурта бозорини ривожлантириш ва инфраструктурасини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар бойис республика бўйлаб 959 та суғурта

бўлинмалари ташкил этилди ва уларда 4 мингдан зиёд мутахассис хизмат кўрсатмоқда.

2011 йилда тузилган 6 миллиондан зиёд шартномалар бўйича жами 232 млрд. сўм суғурта мукофотлар йиғилган, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 37% кўп.

Ўзбекистон суғурта бозори жадал ривожланишининг яна бир кўрсаткичи бўлиб, йил сайин ошиб бораётган суғурта қопламалари ҳисобланади. Жумладан, етказилган зарарларни қоплаш учун 2011 йилда 45 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, ушбу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 67% ошгани кўришимиз мумкин. 2007-2011 маълумотларини таққослайдиган бўлсак, шу вақтда суғурта мукофотлари 3 баробар ўсган бўлса, суғурта қопламалари 5 баробар ўсганини кузатиш мумкин.

Бундан ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кундаги турли хавф-хатарлардан ишончли ва замонавий ҳимоя воситаси сифатида, суғурта маҳсулотларидан фойдаланувчилар борган сайрш ошиб бормоқда. Албатта бу жараёнда суғурталовчилар 'блдида катта маъсулият ётибти. Уларш билдирилган юқори ишончни оқлаш учун, ўзларининг молиявий барқарорлигини ва мустахкам тўловлияк қобилиятини таъминлашлари зарур. Ҳозирда суғурта бозори иштирокчилари ўртасида катта рақобат кузатиляпти. Мижоз учун кураш йўлида, суғурта компаниялари учун асосий йўналишлардан бири бу суғурта ходисасини сифатли ўрганиш, бартараф этиш учун зарур чора-тадбирларни амалга ошириш ва етказилган зарарларни ўз вақтида тўлаб бериш ҳисобланади. Бу ўз навбатида суғурта қопламалари бухгалтерия бўлими учун ҳам катта маъсулият юклаб, суғурта қопламалари билан боғлиқ жараёнларий бухгалтерия ҳисобини қонуний юритиш талаб этилади.

Маълумки, суғурта шартномасига асосан суғурталовчи шартномада белгиланган ҳодиса юз берган тақдирда суғурталанувчига суғурта қопламасини тўлаб бериши лозим. Суғурта шартномасида белгиланган

суғурта ходисаси юз берганда суғурталанувчи зудлик билан суғурта-ловчини хабардор қилиши зарур ҳисобланади. Худди шундай мажбурият суғурта шартномаси тўғрисида хабардор бўлган наф олувчининг зиммасида ҳам мавжуд, агар у суғурта қопламасини олиш ҳуқуқидан фойдаланмоқчи бўлса албатта суғурта ходисаси тўғрисида суғурта-ловчини хабардор қилиши шарт.

Суғурталовчи суғурталанувчи томонидан суғурта ходисаси юз берганлиги тўғрисидаги аризани олгандан сўнг суғурта воқеасини изчил ўрганади ва ушбу воқеа суғурта ходисаси сифатида тан олинса, шартнома белгиланган тартибда ва шартларда суғурта қоиламасини тўлаб бери^апи мумкин. Суғурта қопламаси қуйидагилар асосида амалга оширилади: суғурта шартномаси, суғурталанувчининг аризаси, қонунчилик асосида тузилган суғурта далолатномаси, суғурталовчининг ходимлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, банклар, медицина муассасалари ва бошқа ташкилотларнинг маълумотлари ҳамда суғурталовчи томонидан ўтказилган текширувлар натижасида тўпланган маълумотлар.

Суғурта ходисаси юз берганда суғурталаувчи ёки наф олувчилар, у вафот этган тақдирда, унинг меросхўрлари суғурта қопламасини олиш учун қуйидагиларни суғурталовчиларга тақдим этади:

- суғурта шартномаси (суғурта полиси, сертификат, квитиация);
- мурожаат этганининг шаҳеини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- агар мурожаат қилган шахс суғурталанувчи, суғурта қилдирувчи ёки наф олувчи бўлмаса, унинг суғурта шартномасига алоқадорлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- агар суғурталаувчи, суғурта қилдирувчи ёки наф олувчи вафот этган тақдирда, мурожаат этган шахсининг уни меросхўри эканлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Ариза ва суғурта далолатномасига қуйидагилар илова қилинади;

- суғурта ходисасини келтириб чиқарган ҳодиеанинг юз

берганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

- суғурта ҳодисаси юз беришининг сабабаларини тасдиқловчи ҳужжатлар (тегишли ваколатли органларнинг далолатнома, маълумотнома ва хулосалари) ва гувоҳларнинг кўрсатмалари;

- мулкнинг зарарланиши ва суғурта ҳодисасининг ўзаро боғлиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (зарарланган мулкни кўриқдан ўтказгандан сўнг тегишли ваколатли органларнинг ва суғурталовчи вакилларининг хулосалари);

- етказилган зарарнинг ҳажмини тасдиқловчи ҳужжатлар;

- ушбу ишга бевосита алоқадор бўлган бошқа ҳужжатлар.

Одатда суғурталовчи етказилган зарарни тўлаш учун керакли бўлган ҳужжатларнинг таркибини ўзи белгилайди ва суғурта кооперативини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Суғурта компанияси суғурта ҳодисасини ўрганаётган даврда қуйидагилар аниқланган тақдирда, суғурта кооперативини тўлашни рад этиши мумкин:

- суғурта ҳодисаси суғурталанувчи ёки наф олувчи томонидан атайлаб содир этилганда;

- суғурталанувчи томонидан суғурта объекти тўғрисида суғурталовчига нотўғри маълумотлар тақдим этилганда;

- суғурта ҳодисасининг юз бериш эҳтимоллигини ошириш ҳолатларини суғурталанувчи ўз вақтида суғурталовчига хабар қилмаганда;

- суғурта ҳодисаси тўғрисида суғурталовчига ўз вақтида хабар берилмаганлиги натижасида суғурта ҳодисасини ўрганишнинг имкони бўлмаган тақдирда;

- суғурта ҳодисасининг ҳолатлари ва етказилган зарарнинг ҳажми тўғрисида суғурталанувчи томонидан суғурталовчига нотўғри маълумот берилганда;

- суғурта ҳодисаси юз берганда суғурталанувчи томонидан суғурта

зарарини камайтириш мақсадида чора-тадбирлар қасддан амалга оширилмаган тақдирда;

- суғурталаувчи томонидан суғурта ҳодисасининг юз беришида айбдор бўлган шахсга нисбатан. даъвосини ўз ихтиёри билан қайтариб олиши ёки даъво қилишда етарли ҳаракатларни амалга оширмаган тақдирда;

- суғурта шартномасида белгиланган бошқа суғурта қопламасининг тўланмаслигини тасдиқловчи ҳолатлар.

Қуйидаги ҳодисалар оқибатида етаказилган зарарлар қопланмайди:

- ядро портлаши, радиация ёки радиоактив зарарланиш;
- ҳарбий ҳаракатлар, маиёврлар ёки ҳарбий тадбирлар;
- фуқаролар уруши, қўзғолон ёки турли оммавий тартибсизликлар;
- мусодара қилиш, олиб қўйиш ёки давлат органларининг топшириғига биноан суғурталанган мулкнинг йўқотилиши.

Суғурталовчи суғурта қопламасини тўлашни рад этганлиги тўғрисида суғурталанувчини шартномада белгиланган муддатларда хабардор қилиши шарт. Суғурталовчининг суғурта қопламасини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан қонунчиликда белгиланган тартибда суғурталанувчи томонидан судларга даъво киритилиши мумкин.

Бошқа барча ҳолатларда суғурталовчи суғурта шартномаси ва қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда суғурта қопламасини тўлаши шарт.

Ҳар қандай ҳолатда суғурта қопламаси суғурталанган мулкнинг ҳақиқий қийматидан ошиб кетмаслиги зарур. Агар суғурта шартномасида белгиланган суғурта пули суғурта объектининг ҳақиқий қийматидан паст бўлса, етган зарар бўйича суғурта қопламасининг ҳажми суғурта пулига пропорционал тарзда камайтирилади.

Агар суғурталовчи бир объектни турли суғурталовчиларда суғурталаган тақдирда у барча суғурталовчилардан суғурта қоплама-

ларини олиши мумкин, лекин олинган суғурта қопламаларй етказилган зарарнинг ҳақиқий суммасидан ошиб кетмаслиги зарур.

Суғурталовчи томонидан етказилган зарардан кўпроқ суммани ундириш ҳолатини олдини олиш учун суғурталовчилар тегишли ташкилотларнинг хулосаларинишг асл нусхаларини талаб этадилар.

Суғурта шартномасида суғурта зарарининг суғурталанувчи томонидан қопланадиган қисми - франшиза ҳам кўрсатилиши мумкин. Франшизанинг шартли ва шартсиз турлари мавжуд. Шартли франшиза белгиланган суғурталовчи суғурта зарари франшизанинг сўммасидан ошган тақдирда тўлиқ қоплаб беради акс ҳолда эса зарар қопланмайди. Шартсиз франшиза ўрнатилганда суғурталовчи суғурта қопламасини тўлашда франшиза сифатида белгиланган суммани чегириб қолади.

Жавобгарликни суғурталашда суғурта қопламаси учунчи шахсларга етказилган зарар доирасида аризада кўрсатилган жабрланувчига тўлаб берилади. Агар жабрланувчи вафот этган бўлса, суғурта қопламаси унинг меросхўрларига тўлаб берилади. Фақатгина суғурта килдирувчи суғурта зарарини ўзи қоплаган тақдирда суғурта қопламаси тўланмаслиги мумкин. Бундай ҳолда суғурта қопламаси суғурталанувчининг ўзига тўлаб берилади, агар у наф олувчигд суғурта қопламасини тўлаб берганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этса.

Суғурталовчи суғурта шартномасида белгиланган муддатларда суғурталанувчига суғурта қопламасини тўлаб бериши шарт. Суғурталовчи суғурта қопламасини ўз вақтида тўлаб бермаган тақдирда, у суғурталанувчига жарима (пеня) тўлайди. Жарима ҳажми шартнома ва қонунчилик асосида белгиланади.

Суғурта ташкилотида суғурта қопламаларини ҳисобга олиш учун суғурта товонларини ҳисобга олувчи счётлар (2200) мўлжалланган. Ушбу счётларга қуйидагилар киради:

- 2210 счёт "Ҳисобот даврида тўғридан тўғри суғурта бўйича содир

бўлган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта товонлари";

- 2220 счёт "Муддатидан олдин тугатилган шартномалар бўйича суғурта товонлари".

Юқоридагилардан ташқари ўтган даврларда юз берган суғурта ҳодисалари бўйича тўланадиган суғурта қопламалари қуйидаги счётларда акс эттирилади:

- 9431 счёт "Тўғридан тўғри суғурта бўйича ўтган даврларда содир бўлган, ўтган даврда хабар қилинган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта товонлари";

- 9432 счёт "Тўғридан тўғри суғурта бўйича ўтган даврларда содир бўлган, лекин ҳисобот даврида хабар қилинган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта товонлари".

Мазкур счётларнинг дебитида ҳақиқатда тўланган суғурта қопламалари акс эттирилади ва у пул тўланадиган счётлар билан корреспонденцияланади:

Дт 2210 (2220,9431,9432)

Кт 5010 (5110,5210).

Агар суғурта ҳодисаси юз бериб, суғурталовчига хабар қилинган бўлса ва ушбу ҳодиса бўйича текширув ишлари муддати узайиб суғурта қопламасини ўша даврда тўлаш имконини бермаган тақдирда, суғурталовчи суғурта қопламаларини қафолатлаш мақсадида махсус захира "Хабар қилинган лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси"ни шакллантиради. Бу захира бухгалтерия ҳисобида 8030 счёт "Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси"да ҳисобга олинади. Ушбу счётнинг кредит томони 9250 счёт "Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси"нинг дебет томони билан корреспонденцияланади.

Дт 9250

Кт 8030.

Агар суғурталанувчининг аризасида суғурта зарарининг суммаси кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда юқоридаги проводка етиши мумкин бўлган зарарнинг барча суммасига амалга оширилади. Шундай қилиб, счёт 8030 счёт "Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси"да ўтган даврларда суғурталовчига хабар қилинган суғурта зарарлари бўйича мажбуриятлар ва зарарларни қоплаш харажатлари акс эттирилади.

Суғурта ходисасининг юз берганлиги тасдиқланган тақдирда, суғурта қопламасининг ҳисобланган суммасига қуйидагича проводка берилади:

Дт 2210 (2220,9431,9432)

Кт 6030

Суғурта қопламаси тўланган вақтда қуйидаги проводка берилади:

Дт 6030

Кт 5010 (5110,5210).

Бир вақтнинг ўзида суғурта қопламасининг тўланиши билан қуйидагича проводка берилади:

Дт 8030

Кт 9250.

Шунингдек, суғурта қопламасини амалга ошириш билан боғлиқ суғурталовчининг харажатлари 2010 счёт "Суғурта ишини юритиш харажатлари" орқали ҳисобга олинади:

Дт 2010

Кт 5010 (5110,5210).

Агар суғурта қопламасининг суммаси ёки зарарларни бартараф этиш харажатлари хабар қилинган зарарлар суммасидан кам бўлса, суғурта қопламаси суммасига берилган:

Дт 6030

Кт 5010 (5110,5210) ва

Дт 8030

КТ 9250

Ҳамда зарарларни бартараф этиш харажатлари суммасига:

ДТ 2010

КТ 5010 (5110,5210)

ДТ 8030

КТ 9250.

Проводкалардан сўнг хабар қилинган зарар ва ҳақиқатда тўланган суғурта қопламалар ўртасидаги фарқ суммасига қуйидагича проводка берилади:

ДТ 8030

КТ 9250.

Агар хабар қилинган суғурта ҳодисаси текширилгандан сўнг суғурта қопламасини тўлаш суғурталовчи томонидан рад этилса, суғурталовчи мажбуриятининг ўз-ўзидан камайиши ҳам қуйидаги проводка орқали ҳисобга олинади:

ДТ 8030

КТ 9250.

Мазкур проводка хабар қилинган зарар ва уни бартараф этиш харажатлари суммасига берилади.

Агар суғурта шартномасида суғурта мукофотини бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлса, навбатда тўланиши лозим бўлган суғурта мукофоти суғурталанувчи томонидан кечиктирилаётган ҳолатда суғурта ҳодисаси юз берса, суғурталовчи навбатдаги кечиктирилган суғурта мукофотини ҳисобга олишга ҳаққи бор. Бунда суғура қопламаси суммаси кечиктирилган суғурта мукофоти суммасига камайтирилади ва камайтирилган суммага қуйидагича проводка берилади:

ДТ 6030

КТ 6280.

Суғурта шартномасида белгиланган суғурта суммасидан паст

суммада суғурта қопламаси тўлангандан сўнг суғурта шартномаси амал қилишини тўхтатмайди. Лекин, суғурта суммаси тўланган суғурта қопламаси суммасига камайтиради.

Агар суғурталанувчи суғурта қопламасини олиш мақсадида берган аризасида суғурта суммасини тиклаш хоҳишини билдирган тақдирда, суғурталовчи тўланаётган суғурта қопламасидан суғурта суммасини тикловчи суғурта мукофоти суммасини олиб қолиш ҳуқуқига эга. Бу операция қуйидаги проводка асосида амалга оширилади:

Дт 6030

Кт 6280.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ суғурталовчилар суғурта мукофотлари эвазига шакллантирган суғурта захиралари маблағларини даромад олиш мақсадида инвестиция қилиши мумкин. Суғурта захираларини инвестиция қилишнинг бир йўналиши бу ҳаёт суғуртаси шартномалари бўйича ссудалар бериш ҳисобланади. Суғурталовчи томонидан ссудалар фақатгина.у билан ҳаёт суғуртаси шартномасини тузган суғурталанувчиларгагина берилиши мумкин. Ссудаларнинг таъминоти сифатида суғурталанувчининг суғурта шартномаси бўйича шакллантирган суғурта суммаси ҳисобланади.

Суғурталанувчиларга ссудани бериш жараёни қуйидаги проводка билан ҳисобга олинади:

Дт 4070

Кт 5010 (5110).

Агар суғурта қопламаси тўланиши зарур бўлган тақдирда, суғурталанувчи томонидан ссуда ўз вақтида қопланмаган бўлса, ссуда қарзи ва фоизи суғурта қопламасидан чегириб қолинади. Ушбу операция қуйидаги проводкалар орқали ҳисобга олинади:

Дт 6030

Кт 4070

Ссуда бўйича фоизлар суммасига

Дт 6030

Кт 4830 "Олинадиган фоизлар".

Маълумки, қайта суғуртага берилган суғурта шартномалари бўйича суғурт.аловчи суғурталанувчининг олдида тўлиқ суғурта суммаси доирасида жавобгар бўлади. Шунинг учун барча проводкалар тўлиқ суғурта суммасига нисбатан амалга оширилади.

Молиявий натижаларни аниқлашда 2210-2220 счётларнинг дебет томонидаги колдиғи 2010 "Суғурта ишини юритиш харажатлари" счётининг дебетига ўтказилади:

Дт 2010

Кт 2210 (2220).

Ҳисобот даврининг охирида 9431 "Тўғридан тўғри суғурта бўйича ўтган даврларда содир бўлган, ўтган даврда хабар қилинган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта товонлари" счёти ва 9432 "Тўғридан тўғри суғурта бўйича ўтган даврларда содир бўлган, лекин ҳисобот даврида хабар қилинган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта товонлари" счёти 9910 "Якуний молиявий натижа" счёти билан боғланган ҳолда ёпилади:

Дт 9910

Кт 9431 (9432).

Агар суғурта шартномасида суғурталанувчи ёки наф олувчининг суғурта қопламасини олиш ҳуқуқидан маҳрум қилувчи ҳолатлар аниқ кўрсатилган бўлса ва суғурта қопламаси суғурталанувчига тўланганидан сўнг мазкур ҳолатлар суғурталовчи томонидан аниқланган тақдирда, суғурталовчи суғурталанувчи ёки суғургаловчидан суғурта қопламасини қайтариб ундириб олиш учун барча чора-тадбирларни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бунда суғурта қопламасининг қайтарилиши икки томоннинг ўзаро келишуви асосида амалга оширилади. Агар суғурталанувчи ёки наф олувчи нотўғри тартибда тўланган суғурта қопламасини тўлашни рад

этса, суғурталовчи қонунчиликда белгиланган тартибда қопламани ундириш чораларини кўриши мумкин.

Нотўғри тўланган суғурта қопламасини қайтариб олинишини бухгалтерия ҳисобида қайд этиш тартибини кўриб чиқамиз. 2200 счётада суғурталовчи томонидан тўланган суғурта қопламаларининг ҳисоби олиб борилади. Шунинг учун суғурта ходисаси юз бермаганлиги аниқлангандан сўнг тўланган суғурта қопламаларини қайтариб олиш даъвоси ушбу счётнинг кредитида акс эттирилади. Бунда суғурта қопламаси қайтариб олинганлиги сабабли, харажатларнинг камайганлиги акс этади. Лекин, ушбу суғурта суммаларини тўғридан тўғри қуйидаги проводка орқали ҳисобга олиш ноўрин ҳисобланади:

Дт 5010 (5110,5210)

Кт 2210 (2220).

Мазкур жараёни 4030 счёта "Суғурталанувчилардан олинадиган счётлар" орқали ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Дт 4030

Кт 2210 (2220)

Суғурта суммасининг олиниши

Дт 5010 (5110,5210)

Кт 4030.

Суғурта шартномасида суғурталанувчининг зарарланган мол-мулкидан суғурталовчининг фойдасига воз кечиши ва суғурта қопламасини тўлиқ суғурталовчидан олиши белгиланган бўлиши мумкин. Тегишли суғурта қопламаларини ҳисобга олиш қуйидагича амалга оширилади.

Қонунчиликка мувофиқ мол-мулкка етган зарарнинг суммаси унинг қийматидан ошиши мумкин эмас.

Тўғридан тўғри, суғурталанган мулкка етказилган зарар деганда, уни суғурта ходисаси содир бўлгунга қадар мавжуд бўлган ҳолатини тиклаш учун қилинган харажатлар ёки агар объектни тиклашнинг имкони

бўлмаган тақдирда қайтадан янгисини қуриш ёки сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар тушунилади. Шунинг учун 2200 счёт "Суғурта товонларини ҳисобга олувчи счётлар"да суғурта зарарининг экспертлар томонидан аниқланган ва суғурталовчи томонидан суғурта суммасини ҳисобга олган ҳолда тўланадиган суғурта қопламалари суммалари акс эттирилади.

Суғурталанувчи билан ҳисоб китобларнинг олиб борилишини 6030 счёт "Суғурталанувчиларга тўланадиган счётлар" билан корреспонденцияланган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Дт 2200

Кт 6030.

Агар суғурта шартномасида зарарланган мулк бўйича ҳуқуқларнинг суғурталовчига ўтказилиши назарда тутилган бўлса, томонларнинг ўзаро қабул топшириш далолатномаси асосида мулкнинг суғурталовчига берилиши қуйидаги проводклар асосида амалга оширилади.

Қабул топшириш далолатномасининг имзоланишига:

Дт 4030

Кт 2200

Мулкнинг суғурта ташкилоти томонидан қабул қилиб олиниши:

Дт 0100 (1000)

Кт 4030

Бунда суғурталовчига ўтказилаётган мулкнинг асосий восита, материал ёки арзон баҳоли тез эскирувчи предметлар сифатида ҳисобга олинишига боғлиқ бўлади. Мазкур проводкада суғурта объектининг суммаси ва унга етказилган зарар ўртасидаги фарқ суғурта объектининг ҳақиқий қийматини акс эттиради.

6030 счётнинг кредит сальдосида суғурталовчининг мажбурияти ва унинг тўлиқ суғурта суммасини тўлаши акс эттирилади.

Дт 6030

КТ 5010 (5110,5210)

Агар суғурта шартномасида суғурталанувчига суғурта қопламаси тўлиқ тўлаб берилгандан сўннгина, мулкка бўлган ҳуқуқларнинг суғурталовчи фойдасига рамиёлаштирилиши назарда тутилган бўлса, суғурта қопламасининг тўлови қуйидагича ҳисобга олинади:

Дт 6030

КТ 5010 (5110, 5210) ва ушбу счётнинг дебет сальдоси суғурталанувчининг суғурталовчига ўтказиб берадиган мажбурияти ҳисобланади.

Ҳалқаро денгиз суғуртаси амалиётида шартномаларнинг тузилишида баъзан суғурталовчининг биринчи суғурта қопламасини тўлаши билан ўз мажбуриятидан воз кечиши белгиланиши мумкин. Бунда суғурталовчи суғурта қопламасини тўлиқ амалга ошириши мумкин. Ушбу ҳолатларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши қуйидагича амалга оширилади:

Ҳақиқатда етказилган зарар суммасига қуйидагича проводка берилади:

Дт 6030

КТ 5010 (5110, 5210)

Суғурта қопламасининг қолган қисми суғурталовчининг фойдаси эвазига амалга оширилади:

Дт 8710

КТ 6030

Дт 6030

КТ 5010 (5110,5210)

3-БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

Юқорида кўриб ўтганимиздек, экспорт-импорт суғуртаси компания фаолиятининг асосий турларидан бири ҳисобланиб, хорижий бозорларда миллий экспортчиларнинг сиёсий ва тижорат рискларидан суғуртавий ҳимоялашни назарда тутди. Маълумки, кафолат билан ёки аккредитив билан маҳсулотни ет-

казиб беришга нисбатан муқобил шакл сифатида экспорт шартномаларини суғурталаш полисининг мавжудлиги экспортчиларга хорижий харидорнинг тўлов шартларини бажаришга ишонч ва пулни кейинчалик тўлаб бериш шarti билан маҳсулотни тушириш имкониятини беради.

Халқаро ва ички юкларни ташишда юкларнинг суғуртаси кўп ҳолларда, олди-сотди шартлари суғурталовчи ёки суғурталанувчининг суғурта шартномаси таркибда бўлади. Шартномада асосан, суғурта шартномасини тузишда мажбуриятни қайси томон олиши, сотувчи ёки харидор ва ташувчининг суғурта жавобгарлиги қандай миқдорда бўлиши ҳам кўрсатилади суғурта амалиётида юкларнинг суғурта шартномалари қуйидагиларга асосан амалга оширилади:

- барча рисклар учун жавобгарлик ҳар қандай сабабга кўра, барча турдаги зарарларнинг суғурта ҳимоясини англатади;

- хусусий авариялар учун жавобгарликда юкнинг аварияда кўрғани зарари тўла ёки қисман қопланади;

- юк учун жавобгарликда юкларнинг тўла ёки қисман аварияси ҳисобланмай, юкни олиб кетаётган транспорт воситаси аварияга учрагандагина тўланадиган сумма назарда тутилади.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, суғурта ташкилотларида суғурта қопламаларини ҳисобга олиш ўзига хос хусусиятига эга бўлганлиги учун ташкилот ҳисоб сиёсатида алоҳида белгилаб қўйиш керак бўлади. Бу жараён мураккаб ва серқиррали бўлганлигини инобатга олган ҳолда, суғурта компанияси бошқа мутахассисларини ҳам жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса ва таклифлар

Умумий килиб айтганда экспорт-импорт операцияларини суғурталаш бугунги куннинг муаммоларидан биридир. Шунингдек, бозор муносабатлари шароитида тижорат асосида фаолият юритадиган ҳар қандай юридик шахснинг асосий мақсади фойда олишга қаратилган. Мунтазам юқори фойда олишга интилиш юқори даражадаги риск билан ҳам боғланганлигини унутмаслик зарур. Юридик шахслар тадбиркорлик фаолиятининг асосини ташкил этиб, улар ўз тасарруфларидаги молиявий, моддий ва бошқа ресурслардан имконият даражасида максимал фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Шунингдек, тадбиркорларнинг асосий эътибори экспорт – импорт операцияларини ривожлантиришга ҳам қаратилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш — бозор муносабатлари шаклланиши шароитида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самараси ва динамикасини ошириш мақсадида мамлакат ички ва ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, жумладан, ташқи иқтисодий мувозанатни таъминлаш, экспорт ва импорт таркибида прогрессив силжишларни рағбатлантириш, хорижий капитал оқимини кучайтиришга йўналтирилган ваколатли давлат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган қонунчилик, ижроия ва назорат қилиш тусидаги чора-тадбирлар тизимидир.

Ўзбекистон учун ташқи савдони ислоҳ қилиш ва экспортни рағбатлантириш — нафақат эркин айирбошланадиган валютада даромадлар ўсишининг муҳим манбаси, жаҳон иқтисодига интеграциялашувининг асосий воситаси, балки бошланган иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлайдиган миллий валютани мустаҳкамлаш, иқтисодда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш каби энг долзарб масалаларни ҳал қилишга қаратилган ҳаракатлардан ҳисобланади.

Экспорт-импорт операцияларини суғурталаш ҳисобининг ривожлантиришда куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- тўловни кечиктириш шартларида амалга оширилаётган ҳамда биринчи даражали банкларнинг тўлов мажбуриятлари билан таъминланмаган экспорт контрактлари сиёсий ва тижорат таваккалчиликлардан суғурта қилиш иловага мувофиқ тартибга биноан амалга ошириш.

- Тўлов кечиктирилишни назарда тутувчи экспорт контрактлар бўйича сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта қопламаси Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган экспорт қилувчилар ва тижорат банкларига суғурта ташкилотлари томонидаи берилиши.

- Экспорт юк ташишларини суғурта қилиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва «Инкотермс» халқаро қоидаларига мувофиқ суғурта қилиш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари томонидан амалга ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент шаҳар, Ўзбекистон. 1992 йил 8 декабр.
2. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1996 й, 30 август.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Суғурта фаолияти тўғрисида». - Т.: 2002 й., 5 апрель.// «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил 28 май.
- 4.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини таккомиллаштириш ва унинг ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги қарори. –Т.: 2005.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сонли «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат дастури тўғрисида Қарори // Халқ сўзи, 2011 йил 10 февраль, № 29 (5196).
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғуртачиларнинг молиявий барқарорлигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 31 майдаги ПҚ-1544-сон Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини шакллантириш таркиби тўғрисида»ги Низоми. 54- қарори. –Т.: 1999й.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

11. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президент Ислон Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. (“Халқ сўзи” 2011 йил 22 январь, № 16 (5183)).

12. Ислон Каримов. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади . “Халқ сўзи” №14. 2012 йил 20 январь

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа.–Тошкент: Иқтисодиёт. - 2011. 376 б.

14. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

15. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислон Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

16. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.

III. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар

17. Ўзбекистон Республикаси 21-сон БХМС Счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома. -Т.: ЎБАМА. 2002.

18. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. - Т.: ЎБАМА. 2000. -209 б.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.// Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорлари тўплами, 2002, 11.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг “Суғурталовчининг суғурта захиралари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида” 2008 йил 20 ноябрдаги 107-сон буйруғи. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 15 декабрда 1882-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган. – Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 12 майда 1806-сон билан рўйхатга олинган ва Молия вазирининг 2008 йил 22 апрелдаги 41-сон буйруғи билан тасдиқланган “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисида Низом».

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2009 йил 3 июлдаги “Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестиция фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 68-сон буйруғига асосан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 июлда 1982-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

I V. Асосий адабиётлар

20. Дорофеев А.К. Рассказы старого бухгалтера. – М.: Магистр, 2007.– 142 с.

21. Жўраев Н., Бобожонов О., Абдувахидов Ф., Сотволдиева Д. Молиявий ва бошқарув хисоби. Дарслик. -Т.: 2007 й
22. Жўраев Н., Холбеков Р., Абдувахидов Ф., Илхомов И. Бухгалтерия хисоби, иктисодий таҳлил ва аудит. Дарслик. -Т.: 2007 й
23. Гаврилова С. Страхование: Учебное пособие. – М.: “Эксмо”, 2010 г. – 304 стр.
24. Каплан, Роберт С, Купер, Робин. Функционально-стоимостной анализ: практическое применение: Пер. с англ- М.: ООО "И.Д. Вильямс", 2008. - 352 с.
25. Карпов А. Е. «100% практического бюджетирования» Книга 5. «Роль финансовой дирекции в бюджетировании» - М.: «Результат и Качество», 2007.-256 с.
26. Касьянова Г.Ю. Учетная политика: бухгалтерская и налоговая. – М.: АБАК, 2010. – 160 с.
27. Касьянова Г.Ю. Основные средства: бухгалтерский и налоговый учет. – М.: АБАК, 2010. – 256 с.
28. Кириллова Н. А., Богаченко В. М. Бухгалтерский учет для вузов : учеб. — 2-е изд., перераб. и доп. - М. : ТК Велби, Проспект, 2008. - 464 с.
29. Кириллова Н.А., Богаченко В.М. Сборник задач по бухгалтерскому учету. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. – 346 с.
30. Клокова Н.В. / Под редакцией Крыловой Ю.В. 10 000 проводок. - М.: «Горячая линия бухгалтера», 2007. - 448 с.
31. Ковалев В.В. Как читать баланс. 5-е изд., перераб. и доп. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 672 с.
32. Кожин В.Я. Производство: учет и налоги. – М.: «Альфа - Пресс».- 2007. – 428 с.
33. Коллекция оптимальных решений журнала «Практическая бухгалтерия». – М.: «РедСо» - «Бератор-паблишинг», 2006. – 256 с.
34. Краснопёрова, О. А. Инвентаризация имущества и обязательств. -М.: ГроссМедиа : РОСБУХ, 2007. - 344 с.

35. Куликова Л.И. Учетная политика организации: новое решение. – М.: Бухгалтерский учет, 2010. – 336 с. – 2 экз.
36. Нечитайло А.И. Теория бухгалтерского учета: учеб. – М.: Проспект, 2010. – 272 с.
37. Ochilov I. Sug'urta hisobi va hisoboti. O'quv qo'llanma. – T.: IQTISOD MOLIYA, 2010. – 310 б.
38. Подольский В.И., Савин А.А. Аудит: учебник. – М.: Юрайт, 2010. – 605 с.
39. Пугачёв В.В. Внутренний аудит и контроль. Организация внутреннего аудита в условиях экономического кризиса: учеб. – М.: Дело и Сервис, 2010. – 224 с.
40. Ёрозов К, Вахидов С.В. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Дарслик.-Т.: АДИБ НАШРИЁТИ. 2011.- 488 б.
41. Хасанов Б.А., Хашимов А..А..Бошқарув ҳисоби. Дасрлик.-Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2005.-320 бет.
42. Xolbekov R.O. Buxgalteriya hisobi nazariyasi. Darslik.-Т.: “Cho’lpon”, 2011.- 200 б.
43. Шве́цкая В. М. Теория бухгалтерского учета: Учебник. - 2-е изд. - М.: «Дашков и К», 2007. — 400 с.
44. Шве́цкая В. М., Головко Н. А. Бухгалтерский учет: Учебник.- М.: «Дашков и К°», 2007. — 512 с.
45. Шве́цкая В.М., Головко Н.А. Бухгалтерское дело: Учебник. – М.: «Дашков и К°», 2008. – 304 с.

V. Қўшимча адабиётлар

46. Богаченко В. М. Любая бухгалтерская проводка за 5 минут. Корреспонденция счетов: учебно-практическое пособ.- Изд. 4-е, доп. и пере. раб. - Ростов н/Д : Феникс, 2007.- 441 с.
47. Бородина В.В. Документирование в бухгалтерском учете: учеб. пособ.- М: ИД «ФОРУМ»: ИНФРА-М, 2008. - 304 с.

48. Бортник Н.А., Бортник Н.Н. Бухгалтерское дело: Учебное пособие. - М.: «Дашков и К°», 2008. – 400 с.
49. Брыкова Н.В. Теория бухгалтерского учета: Баланс и система счетов: учеб. пособие / Н.В. Брыкова. – М.: Издательский центр «Академия», 2007. – 80 с. 2 экз
50. Безруких П.С. Бухгалтерское дело: учеб. пособ.– М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – 271 с.
51. Ивашкевич В.Б., Куликова Л.И. Бухгалтерское дело: учеб. пособ.- М.: Экономист, 2007.-523 с.
52. Никулина Н.Н. Страховой маркетинг: учеб.пособие для студентов вузов, обучающихся по специальности «Финансы и кредит» - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009,-503 с.
53. Киличева Ф. Б. Корпоратив бошқарув тизимида бошқарув ҳисобини такомиллаштириш. –Т.: ЎзР Банк-молия академияси. Ном. дисс. 2009. -120 б.
54. Кондраков Н.П. Бухгалтерский учет: учеб. пособ. – 5-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2010. – 717 с.
55. Кузьмина М.С. Учет затрат, калькулирование и бюджетирование в отраслях производственной сферы: учеб. пособ.– М.: КНОРУС, 2010. – 248 с.
56. Куликова Л.И. Учетная политика организации: новое решение. – М.: Бухгалтерский учет, 2010. – 336 с.
57. Ложников И.Н. Учет внеоборотных активов. Рекомендовано УМО по образованию в области финансов, учёта и мировой экономики в качестве учебного пособия- М.: «Бухгалтерский учет», -2007. - 130с
58. Медведев М.Ю. Учетная политика организации на 2010 год: практическое пособие. – М.: КНОРУС, 2010. – 248 с.
59. Попова Л.В. и др. Бухгалтерский управленческий учет: нормативная база, тесты, понятийный аппарат: учеб.-метод. пособ. – М.: Дело и Сервис, 2008. – 352 с.

60. Пошерстник Н.В. Бухгалтерский учет на современном предприятии: учеб.-практ. пособ. - М.: Проспект, 2010. – 560 с.
61. Тумасян, Рафаэль Зарзанович. Бухгалтерский учет : учеб.-практ. пособ. - 7-е изд., стер. - М.: Изд. «Омега-Л», 2008.- 794 с.
62. Уткина С.А. Составление бухгалтерских проводок в организациях разных отраслей: практ. пособ. – М.: Омега-Л, 2010. – 259 с.
63. Шевелев А.Е. Риски в бухгалтерском учете: учеб. пособ.- М.: КНОРУС, 2007. – 280 с.
64. Президент И.Каримовнинг 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011-йилнинг асосий якунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: “O’qituvchi” НМИУ, 2012. -272 бет.
65. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Гафуров У.В. “Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича” Ўқув-услугий мажмуа.Т.: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 бет.


VI.Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

66. «Бозор, пул ва кредит» журнал. –Т.: 2009-2012 йиллар
67. «Солик ва божхона хабарлари» газета. –Т.: 2009-2012 йиллар
68. Ўзбекистоннинг 2011 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичлари. –Т.: Ўзбекистон, 2012.


VII. Интернет сайтлари.

69. “Norma” (Меъёрий-ҳуқуқий программа таъминоти) 2012 йил.
70. [www. gaap.ru](http://www.gaap.ru) (Халқаро бухгалтерия стандартлари).

“Ўзбекинвест” ЭИМСКда хорижий инвесторларнинг комплекс суғурта ҳимояси (млрд.сўм)



“Ўзбекинвест” ЭИМСК бўйича миллий экспортчилар ва инвесторларнинг комплекс суғурта ҳимояси бўйича мажбуриятлар динамикаси (млрд.сўм)



¹³ “Ўзбекинвест” ЭИМСКнинг ҳисобот маълумотлари.